O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV №

ЎЙЛУ СОЛДА:

БАНКИР ВА СОЛИҚЧИ АДАШСА... 2

ИНСОНПАРВАРЛИК СОЗИН ЧАЛГАН АЛЛОМА 3

СУРАТ ТИЛГА КИРГАНДА 3 - 4

4 НАФС АРАВАСИ
MARGARET THATCHER «ТЕМИР ХОТИН» ЭРАСИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2003 йил
7 ЯНВАР
сешанба
№ 1 (308)

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Сотувда эркин нархда

O'ZBEKISTON ва дунё
кеча, бугун, эртага

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази пойтахт ҳокимлиги билан ҳамкорликда шаҳарнинг Олим Хўжаев маҳалласида "Обод маҳалла йили"га бағишланган тадбир ўтказди.

* * *

Белгиянинг Буствезел шаҳридаги "Бламмаерт" маданият марказида самарқандлик болаларнинг расмлари кўргазмаси очилди.

* * *

Наманган шаҳридаги кўп тармоқли "Шер булоқ" хусусий фирмаси ўзи жойлашган "Гўзал" маҳалласи аҳлига ажойиб мажмуани совға қилди.

* * *

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтдаги "Ravshan" меҳмонхонасида "Кредит иттифоқларида молиявий фанлар" мавзусида тренинг бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент Ислом университетида "Обод маҳалла йили" дастурини шакллантириш ва амалга оширишда маърифий тадбирларни ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

* * *

Осиё тараққиёт банки Марказий Осиёда электр энергияси узатиш тармоғи самарадорлиги ҳамда тезкор ишини яхшилаш учун 90 миллион АҚШ доллари миқдорида Ўзбекистон ва Тожикистонга қарз берилишини маъқуллади.

Taraddud

МАҚСАД ВА МАНФААТ УЙҒУНЛИГИ

Одатда, йил якунида барча соҳаларда ўзига хос сарҳисоб қилинади — ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилиб, муайян хулосалар чиқарилади. Ушбу анъанани таҳририят фаолиятига татбиқ этадиган бўлсак, бир қатор саволларнинг туғилиши шубҳасиз: хўш, ўтган йил таҳририятимиз ҳаётида қандай кечди? Йил бошида ўз олдимизга қўйган режаларни нечоғлиқ адо эта олдик? Нималарга эришдигу нималарни бой бердик? Энг асосийси, газетхонлар эътиборини қозона олдикми?

Албатта, бу каби саволларга дафъатан бир оғиз калима билан жавоб бериш мушкул. Қолаверса, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Нега деганда, бу саволларга газета тахламлари — ўтган йилги меҳнатимиз маҳсулида жавоблар тўлиқ аксини топган. Ҳуқуқий маърифат, жаҳон тажрибаси, ажаб савдолар, таҳрирсиз мактуб, қонун кўмаги, тақдир тарихи каби рукнларда мунтазам равишда бериб борилган мақолалар кўпчиликда қизиқиш уйғотгани бизни ғоят қувонтирди. Шунингдек, биз газета саҳифасида чоп этгандан сўнг ҳам ҳал бўлмаган муаммоларни эшитганда беихтиёр ўйга чўмамиз. Шундай кезларда ислоҳотлар жараёни қийинчилик билан олдга силжиётгани, катта-кичик муаммолар ҳали кўп экани, олдимизда улкан вазифалар турганини ҳис этамиз. Бу эса зиммамизга янада масъулият юклайдики, у бизни ҳамиша фаолликка ундайди. Бу — ўтган йилги фаолиятимиздан чиқарилган дастлабки мўъжаз хулоса. Энди олдимиздаги вазифа ва режаларимиз хусусида тўхталиб ўтсак. Мақсадимиз аниқ: ўтган йилги фаолиятимиздан тегишли хулоса чиқариш ва бу йилги режаларнинг тадоригини кўриш. Шу маънода айтиш жоизки, тарих мулкига айланган йилда газетхонлар талабини қисман бўлса-да, қаноатлантира олган бўлсак, ўзимизни бахтиёр деб биламиз. Зеро, кимдир биз туфайли бирор муаммосига ечим топган, бошқа биров тўғри маслаҳат ёки йўл-йўриқ олган, яна кимдир эса кўнглидагидек мақола ўқиган бўлса — демак, ўз вазифамизни қайсидир даражада бажардик. Шу билан бирга энг холис баҳони газетхонлар бериши мудом ёдимизда, албатта! Бу ўринда фақат бир жиҳатни алоҳида таъкидлашни истар эдик: биз ўз фаолиятимизни доимий ҳамкорлик асосида йўлга қўйдик. Бу анъана бу йил ҳам, шубҳасиз, давом этади. Бинобарин, газета товар сифатида газетхон манфаатларига хизмат қилади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, газетхон таҳририятдан яхши, ўқишли мақола баробарида аниқ амалий кўмак кутади. Ўз навбатида таҳририят газетхоннинг пули эвазига фаолият юритади. Ушбу оддий ҳақиқатдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — асосий мақсад-муддаомиз. Бу йилги режаларимизни ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда тузмоқдамиз. Унинг қанчалик рўёбга чиқиши бир-биримизни қанчалик тушунишимизга чамбарчас боғлиқ. Умид қиламизки, бу ниятларимиз амалда ўз исботини топади.

ТАҲРИРИЯТ

Ajab savdolar

БИР САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

ЁХУД ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЧАЛКАШЛИК ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳар бир газета ўз саҳифасида эълон қилаётган мақолалар, айниқса, танқидий мавзудаги мақолаларнинг кейинги натижаси, бунга газетхонларнинг муносабати билан қизиқади. Бу ҳолдан бизнинг таҳририят ҳам мустасно эмас. Бошқача айтганда, газетамиз саҳифасидан жой олаётган ҳар бир мақола газетхонлар томонидан илиқ қарши олинса, жойлардаги баъзи бир муаммонинг ҳал этилишида ёрдамимиз тегса, бундан табиийки, хурсанд бўламиз. Зеро, бу журналист меҳнатининг қадр топганини англатади. Шунинг учун газета саҳифасида эълон қилинаётган ҳар бир мақоланинг натижаси таҳририят учун муҳим аҳамиятга эга.

Энди асосий муддаога ўтадиган бўлсак, газетамизнинг 2002 йил 12 ноябр сонида "Чалкашликми ёки хато?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Шундан сўнг орадан кўп ўтмай, Бухоро вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари О. Аслонов номидан таҳририятга қуйидаги жавоб хати келди:

"Вилоят прокуратураси томонидан Олот туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги ва оила пудратчилари ўртасидаги ердан фойдаланиш бўйича низо юзасидан вилоят хўжалик суди қарорининг қонунийлиги ҳамда "Инсон ва қонун" газетасининг шу йил 12 ноябр сонида чоп этилган "Чалкашликми ёки хато?" сарлавҳали мақоласидаги важлар хўжалик иши билан биргаликда ўрганилди.

Аниқланишича, даъвогар — Олот тумани Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги раҳбари Ҳ.Рўзиева вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — Олот туман "Пахтакор" ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг шу йил 15 апрелдаги қарори асоссиз бўлганлиги сабабли уни бекор қилиб, 5 гектар ер майдонини унга қайтариб беришни сўраган.

Бухоро вилоят хўжалик судининг шу йил 27 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар — "Пахтакор" ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг шу йил 15 апрелдаги 2-сонли қарори асоссиз бўлганлиги сабабли бекор қилиниб, беш гектар экинкор ер майдони фермер хўжалиги ҳисобига қайтарилган ҳамда "Пахтакор" ширкат хўжалиги ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига 64 минг 324 сўм моддий зарар ундирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Олот туман "Пахтакор" ширкат хўжалигининг 1-сонли бригадасида яшовчи фуқаро Ҳалима Рўзиева 2001 йилда ширкат хўжалиги бошқарувига ариза билан мурожаат қилиб, фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратишни сўраган. Унинг аризаси шартнома бошқарувида ўрганиб чиқилиб, фермер хўжалиги ташкил этиш ва унга ер майдони ажратиш лозим, деб топилгандан сўнг ариза ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, ширкат хўжалиги аъзоларининг 2001 йил 8 июндаги 4-сонли умумий йиғилиш қарори билан Ҳ.Рўзиеванинг аризаси қаноатлантирилиб, унга фермер хўжалиги ташкил этиши учун беш гектар экинзор ва беш гектар яйловдан ер майдони ажратиб берилиши белгиланиб, ушбу қарорнинг тасдиғи Олот туман ҳокимидан сўралган. Ширкат хўжалиги бошқаруви ушбу масалани **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 6-моддаси талабларига амал қилган ҳолда фермер хўжалиги аъзолари умумий йиғилиши муҳокамасига қўйиб, тегишли қарор қабул қилиб, унинг тасдиғи сўралиб, ҳужжатлар туман ҳокимлигига юборилган. Олот туман ҳокимлиги томонидан мазкур қонун талабига кўра комиссия хулосасини олгандан сўнг беш кунлик муддат ичида фермер хўжалигини юритиш учун фуқарога ер бериш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиниши лозим бўлса-да, аммо туман ҳокимлиги томонидан фермер хўжалигиини юритиш учун фуқароларга ер участкалари берилишига оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартибига риоя этилмасдан, туман ер бериш комиссиясининг 711-хулосаси 2001 йилнинг 20 ноябр куни олиниб, 2002 йилнинг 4 март куни 289-сон қарори билан тасдиқлаб берилган.

Ушбу ҳолат фуқаро Ҳ.Рўзиеванинг Олот туман прокуратурасига туман ҳокимлиги мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризасини текшириш жараёнида аниқланиб, туман прокуратураси томонидан шу йил 6 феврал куни туман ҳокимлиги масъул ходими Б.Бобоев МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Вилоят прокуратураси томонидан мазкур хўжалик иши бўйича суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан протест келтиришга асос топилмади».

Рости гап, юқоридаги жавоб хатини ўқиб, бироз ҳафсаламиз пир бўлди. Нега деганда, бу жавоб хатида газетамизда чоп этилган "Чалкашликми ёки хато?" сарлавҳали мақоладаги важлар ўз тасдиғини топмади, дейилган эди.

Шундан сўнг орадан кўп ўтмай, таҳририятга қайд этилган мақола юзасидан иккинчи жавоб хати келди: "Инсон ва қонун" газетасининг шу йил 12 ноябрдаги 45-сонида чоп этилган "Чалкашликми ёки хато?" сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламан:

Ҳақиқатан ҳам, "Пахтакор" ширкат хўжалиги аъзоси Б.Бозоров 2001 йил 28 ноябр куни ўтказилган пудратчилар танловида ғолиб чиқиб, 1-бригада ҳудудидаги 6-сонли контурга бош пудратчи бўлган ва далолатнома асосида 5 йил муддатга тузилган. Ушбу шартнома туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси шартномалар бўлимида 2001 йил 6 декабр куни 98-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Шунга қарамасдан, "Пахтакор" ширкат хўжалиги 1-бригадасида яшовчи Ҳалима Рўзиевага Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун ширкат хўжалиги аъзоларининг 2001 йил 8 июн кунидаги 4-сонли умумий йиғилиш қарори билан ушбу контурдаги ер берилган. У туман ҳокимининг шу йил 4 март кунидаги 289-сонли қарори билан тасдиқланган.

Бош пудратчи Б. Бозовроннинг мурожаати асосида вилоят Адлия бошқармаси пудратчи Б.Бозовровга 3 гектар ер майдонини қайтариб бериш тўғрисида туман ҳокимлигига шу йил 26 март куни 389-сонли тақдимнома киритган. Ушбу тақдимнома "Пахтакор" ширкат хўжалигининг 2002 йил 15 апрел кунидаги 2-сонли вакиллар йиғилишида кўриб чиқилиб, ширкат хўжалигининг 2001 йил 8 июндаги 4-сонли йиғилиши қарорини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ва унинг тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралган. Лекин Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги соҳибаси Ҳ.Рўзиева Бухоро вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган. Вилоят хўжалик суди судьяси "Пахтакор" ширкат хўжалиги вакили ва бош пудратчи Б.Бозоровлар иштирокисиз тегишли қонуний ҳужжатлар тўпламасдан Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги соҳибаси фойдасига суднинг ҳал қилув қарорини чиқарган. "Пахтакор" ширкат хўжалиги бошқаруви шу йил 10 сентябр куни суднинг ушбу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиб, ушбу ерни пудратчи Б.Бозоровга ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ҳозирда фуқаро Б.Бозоров ҳамда Худойберди Жумақулов номидаги ширкат хўжалиги ўртасидаги масала кассация тартибида вилоят хўжалик судида қайта кўрилмоқда. Суднинг ҳал қилувчи қарори чиққандан сўнг бу тўғрида қўшимча маълумот берилади.

М. УМАРОВ, Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари".

Кўриниб турибдики, бир саволга икки хил жавоб йўлланган. Бу эса беихтиёр қуйидаги мулоҳазаларни келтириб чиқаради: хўш, бу ўринда ким ҳақ? Жавобларнинг қайси бири тўғри-ю, қайси бири чалкаш ёки хато?

Агар озгина эътибор қаратилса, вилоят прокуратурасидан йўлланган жавобда гап ўзани бошқа томонга кетганини илғаш қийин эмас.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, вақт- энг олий ҳакам. У ҳар қандай чалкашлик ёки хатога аниқ жавоб беради. Юқоридаги жавобларни чоп этишдан кўзланган мақсад эса, муаммога нисбатан муносабатларнинг қандай эканини кўрсатишдан иборат, холос.

Холли НОРБОЕВ

ФАРҒОНА

Adliya tizimi

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилнинг декабр ойига қадар 658 та 419.867.435 сўмлик даъво аризалари вилоят хўжалик ва фуқаролик судларига киритилди. Шундан ширкат хўжаликлари ва оила пудратчилари ўртасидаги ички хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажармаслиги ёки муддатида бажармаслиги юзасидан интизоми бузилган шартномалар бўйича оила пудратчилари ва ижарачиларни манфаатини кўзлаб, судларга жами 617 та — 191.243.537 сўмлик даъво аризалари киритилди.

Мазкур даъво аризаларидан 442 таси, яъни 137.086.818 сўмлиги судларнинг ҳал қилув қарорига асосан оила пудратчилари ва ижарачилар фойдасига ҳал этилган.

Шунингдек, 142 та 47.095.930 сўмлик даъво аризалари зарар ихтиёрий қопланганлиги учун томонлар келишуви асосида судда иш юритуви тўхтатилган.

34 та, яъни 7.060.789 сўмлик даъво аризалари судлар томонидан кўрилиш арафасида.

Киритилган даъво аризалар бўйича бевосита ички хўжалик шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигида айбдор саналган 9 нафар мансабдор шахсларнинг чўнтагидан жами 6.883.986 сўм моддий зарар оила пудратчилар фойдасига ундириб берилди.

Бундан ташқари, хўжалик судига жами 41 та — 228.623.898 сўмлик даъво аризалари киритилиб, бунинг 10 та — 8.374.743 сўмлиги фермер хўжаликларининг манфаатлари, 21 та — 146.389.106 сўмлик ширкат хўжалиги, 10 та — 73860049 сўмлик хусусий тадбиркорлар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини ўзида ифода этади.

Шундан 24 та — 77.855.996 сўмлик даъво аризалари суд томонидан қаноатлантирилган, 17 та даъво аризалари хўжалик суди томонидан кўрилиб чиқилиш арафасида. Киритилган даъво аризалари бўйича 2 нафар мансабдор шахс МЖТКнинг 176-1 моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, ширкат хўжаликлари ва оила пудратчилари ўртасидаги ички хўжалик шартномалари мажбуриятларининг бажармаслиги ёки муддатида бажармаслиги юзасидан интизоми бузилган шартномалар бўйича оила пудратчилари, ижарачилар ҳамда ширкат ва фермер хўжаликларнинг манфаатини кўзлаб 91 та 83.511.553 сўмлик берилмаган маҳсулотни ҳақини ёки уни натура ҳолида қайтариш ҳақида бир ой муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилди.

Киритилган тақдимномаларни 14 та 15.581.734 сўмлиги ширкат хўжаликлари, 42 та 12.808.257 сўмлиги фермер хўжаликларини, 33 та 54.690.362 сўмлиги оила пудратчилари, 2 та 431.200 сўмлик ижарачиларнинг манфаатини кўзлаб киритилган.

Киритилган жами тақдимномалар юзасидан 68 та мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Шундан 52 та мансабдор шахсларга интизомий жазо сифатида хайфсан берилган, 4 та мансабдор шахс эса эгаллаб турган вазифасидан озод этилган, 12 та мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жазо чораси сифатида жарима қўлланилган.

Шу билан бирга 7 та ширкат хўжаликларига 6.951.613 сўм, 35 та фермер хўжаликларига 5.506.177 сўм, ижарачиларга 2 та 431.200 сўм, 20 та тақдимнома бўйича оила пудратчиларига 60.072.805 сўм ундириб берилган.

Бу борадаги ишлар адлия бошқармасининг назоратида бўлиб, шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Tahlil ko'zgusi

ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

Конституциямизнинг 53-моддасида "Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин" дея қайд этилган.

Бироқ ҳаётда айрим мансабдор шахсларнинг хусусий мулкка беписандлик билан қараши, қонунларни ҳурмат қилмаслик оқибатида хусусий мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари учраб туради. Жумладан, Қарши шаҳар ҳокимининг 1996 йил 8 июлдаги Х-597/7-сонли қарори ва вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасининг 1996 йил 19 июлдаги 111-3-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳар туғруқхонаси ҳудудида жойлашган дорихона биноси 57,75 квадрат метр ер майдони билан биргаликда фуқаро А.Примовга хусусийлаштирилиб, ушбу мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи 4054-сонли давлат ордери берилган эди. Табиийки, А.Примов ҳам хусусийлаштирилган дорихона биносида "Ибн-Сино" номидаги хусусий фирма ташкил қилиб, фаолият кўрсатиб келаётган эди.

Аммо вилоят ҳокимининг 2001 йил 19 февралдаги — 56/2-сонли қарори билан Қарши шаҳар туғруқхонаси биноси Республика Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиали ихтиёрига берилган. Бинони таъмирлаш давомида институт филиали маъмурияти (раҳбари У.Юсупов) томонидан "Ибн-Сино" хусусий фирмаси биноси мулк эгасининг розилигисиз, мулкдор билан бирон-бир келишувга эришилмасдан туриб, қонунга зид равишда буздириб ташланган.

Бундай қонунбузилиш ҳолати вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилиб, "Ибн-Сино" хусусий фирмасининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида тадбиркор манфаатини кўзлаб Қашқадарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Вилоят хўжалик суди (судья С.Исканов) 2002 йил 14 ноябрда жавобгар — Республика Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Қарши филиали ҳисобидан бинони бузилиши натижасида "Ибн-Сино" хусусий фирмасига 790676 сўм миқдорида етказилган зарарни ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, хусусий мулк қонун билан муҳофаза қилинар экан, хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш, мулкка зарар етказиш ҳар қандай ҳолларда жавобгарликни келтириб чиқариши муқаррардир. Буни ҳар бир шахс англаб етмоғи даркор.

Diqqat: muammo!

МАРТА — СЎНГГИ "АФСОНА"МИ?

Эҳтимол, сиз Марта ким экан, дея ажабланган чиқарсиз? Асло ажабланманг. Марта бу — говмиш сигир. Ҳа, шундай. Бир пайтлар унга кимдир "Марта" дея исмми, лақабми қўйган. Шундан буён ҳамма уни Марта деб атайди.

Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, илгари у кунига 27 литрдан сут берган. Бошқача айтганда, Ховос туманидаги "Фарҳод" ширкат хўжалигининг фахри бўлган. Ҳурмат-эътибор ҳам шунга яраша эди: узоқ-яқиндан келган меҳмонлар бамисоли тирик "сут заводи"ни томоша қилмай кетишмасди. Унашмаса ҳам ҳол-жонига қўйишмасди. Чунки фермер хўжалиги бошлиқлари меҳмонларга тўрт оёқли рекордчи бор, деб мақтаниб қўйишарди-да! Албатта, Мартага маҳсулотларига яраша ўзуқа бериларди. Насл бериш бўйича ҳам Марта рекорд ўрнатди — ўн бешта бузоқ туғиб берди.

Буёғини сўрасангиз, илгариги Ховос туманидаги "Фарҳод" ширкат хўжалигида Марта сингари сигирлар кўп бўлган. Хўжалик вилоятда йирик чорвачилик фермасига эга бўлиб, минг-минг тоннаналаб сут етиштирган. "Фарҳод" ҳалиям вилоятдаги саноқли хўжаликлардан бири. Лекин энди у фақат фермасини сақлаб қолиб, сут етиштириб бераётганлар қаторида санаб ўтилади, холос. Ҳозир фермада 173 бош қорамол мавжуд. Шундан 65 бош сигир соғилади. Ўтган йили ферма 24 тонна сут сотган эди. Бу йил 29,5 тонна сут етиштириш режалаштирилган. Кунига 150 килограмм атрофида сут шу хўжаликдаги "Мустақиллик" кичик корхонасига сотилаяпти. Яна марказий устахонада ишловчиларга ҳам сут етказиб берилади. 18 бош қорамол бўрдоқига боқилаяпти. Бу йил 25 бош бузоқ олинди.

Энг асосийси, ферма ўзининг мустаҳкам техника воситаларига эга. Унинг қарамоғида тўртта "Белорус" русумли тележкали трактор, иккита "Кир-1,5" маркали, битта Германиядан келтирилган ўт ўчиргичлар, битта хашак юклагич мослама мавжуд. Ушбу техника ва механизмлар ёрдамида бу йил 400 тонна сенаж, 22 тонна дағал хашак, 21 тонна сомон ғамлаб қўйилди. Жами 132 гектардаги бедазор тўрт марта ўриб олинди. Беда асосан кўк озуқа ҳолида қорамолларга едирилди. 15 гектардаги маккажўхоридан силос тайёрланди. 12 гектар бедазор уруғлик учун қолдирилди.

Фермада ҳозир 17 нафар киши ишлайди.

Албатта, оғир шароитда ҳам чорвачилик фермасини сақлаб қолиб, уни жонкуяр чорвадор ва мутахассисларнинг ўзига ишониб топшириб қўйган ширкат хўжалиги раҳбарларининг оқилона иш тутгани мақтовга лойиқ. Чунки сал эътиборсизликка йўл қўйилса, бу ферманинг иши орқага кетиши мумкин эди. Бироқ барибир ҳозир у ўз йўналишини ўзгартирган. Гап шундаки, яқин йиларда ушбу ферма вилоятда наслчилик билан шуғулланадиган йирик мажмуа ҳисобланар эди. У вилоятдаги кўплаб фермаларга наслдор моллар етказиб берарди. Ҳар бир фермада камида 600 бош мол боқиларди. Энди эса наслчилик ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Гулистон туманидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги тақдири ҳам "Фарҳод"никига ўхшаш. Мазкур хўжалик бошида фермани ижарага берди. Шундан сўнг ферма оёқдан қолди. Табиийки, бу ҳол Гулистон сут заводи фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Вилоят электр тармоқлари корхонаси ва "Дўстлик" каналидан фойдаланиш бошқармасининг ёрдамчи хўжалиги фермалари ҳам шундай аҳволга тушган.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ривожи учун кенг қўламли шарт-шароитлар яратилди. Бу фикр бевосита чорвачилик соҳасига ҳам тааллуқли. Бундан ташқари, чорвачилик халқимиз қонига сингиб кетган соҳа. Шу сабабли мамлакатимизнинг кўп жойларида у сердаромад тармоқ ҳисобланади. Мулк ўз эгасини топган жойда иш олдинга силжиши, ютуқ ва манфаатдорлик ортиши шубҳасиз. Бунинг акси бўлган жойда эса юқоридаги каби аҳвол юзага келади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, вилоятнинг айрим хўжаликларида чорвачилик қолоқ соҳага айланган. Бунга наслдор молларнинг камайиб кетгани биринчи сабаб бўлса, фермаларнинг ҳақиқий ишбилармон, суяги чорвада қотган одамларга топширилмагани иккинчи сабабдир. Энг муҳим сабаби эса, соҳага нисбатан лоқайдлик, ўзибўларчилик кайфиятининг юзага келганидир. Бундан ташқари, давлат бошқармалари, жамоа хўжаликлари чорвага эгалик ҳуқуқини бермаяпти.

Шу сабаби муаммолар ижобий ҳал этилса, табиийки, Сирдарёда чорвачилик фойда келтирадиган сердаромад соҳага айланади.

Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири



ТАБИАТ ТАЖОВУЗНИ КЕЧИРМАЙДИ

Saboq

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда дунё миқёсида табиат муҳофазаси кескин муаммо бўлиб турибди. Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор сабаблари бор. Аввало, инсон табиат фарзанди эканлиги, ердаги ҳаёт табиат билан мутаносиб ҳолда кечишини унутмаслик керак. Бошқача айтганда, табиатни асраб-авайлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Ер юзида ҳаёт нури сўнмаслиги, одамларда яхшиликка, меҳр-оқибатга ишонч йўқолмаслиги учун ҳам табиат муҳофазаси зарур. Замон қанчалик шиддаткор бўлмасин, майсаларнинг тиниқ рангидан лаззатланиш, улардаги шудринг томчиларидан завқланиш, қушлар сайроғини эшитиш — буларнинг бари гўзалликка, ҳаётга ташналикнинг шартларидан биридир. Дунёда гўзалликнинг ранги хира тортса, табиат ранглари кишига таскин беролмай қолади, яшашга иштиёқ сўнади, рағбат қолмайди. Шу боисдан ҳам, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, унинг бойликларини кўз қорачиғидек асраш азалдан одамларнинг фарзандлик бурчи бўлиб келган. Хўш, бу ҳаётий бурч Қашқадарё вилоятида қандай ечимини топаяпти?

Воҳанинг бутун гўзаллиги Яккабоғ тоғларида, Шаҳрисабз ва Китоб кенгликларида, Қамаши ва Деҳқонободнинг сўлим арчазорларида кўпроқ намоён. Бу масканларнинг табиати бой, ҳавоси тоза, инсонга хўш ёқади. Умр бўйи ана шу жойларда қолиб кетгинг келади. Бироқ шундай гўзал ва оромбахш жойларни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига сероб ерларга тажовуз қилиб, уларни топтаётган "мангу яшилликнинг маскани" бўлган арчазорларни кесаётган кимсалар орамизда борлигига афсусланасан, киши. Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасининг маълумотига кўра, ўтган икки йилда воҳанинг Яккабоғ, Китоб, Қамаши, Деҳқонобод сингари туманларда 2500 га яқин арча ва бошқа хил дарахтларни қонунсиз кесилишини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, бу она табиатга душманлик, тажовуз эмасми!..

Жойлардаги табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарига, ўрмон хўжалиги ходимларига, назоратчиларга, кенг жамоатчиликка табиатни асраб-авайлаш вазифаси юклатилганлиги барчага аён. Чунки табиат барча тирик жоннинг мулки. Қинғир ишга қўл урувчилар кўпчилик назаридан қочиб қутулолмайдилар. Ўтган йилнинг олти ойида қонунни бузган 400 га яқин шахс (улар орасида раҳбар шахслар ҳам бор) маъмурий жазога тортилган ва улардан 2498, 66 минг сўм миқдорда жарима ундирилганлиги бунинг яққол далилидир. Мана шунинг ўзи вилоятда табиат муҳофазаси қай аҳволдалигини кўрсатувчи аниқ факт, аниқ манзарадир. Яқинда табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасининг ходимлари Деҳқонобод тумани ўрмон хўжалиги ходимларининг эътиборсизлиги оқибатида Тўрткўл ўрмончилик бўлимига қарашли "Ўртасой" ўрмонзорларда 30 дона арча кесилганлигини аниқладилар. Бундан табиатга 358925 сўмлик зарар етказилган бўлиб, кесилган арчалар эса Ғузорга, Исмоилов Холназар деган кишникига келтириб қўйилган.

Ўрмон хўжалиги бошлиғи У.Ашуров эса бундан бехабарлигини билдиради. Бунга киши ишонишни қийин, албатта. Вилоят хўжалик судининг қарори билан етказилган зарар айбдорлардан ундириб олинди.

Деҳқонободда бунга ўхшаш воқеа ягона эмас. Яна шуни унутмаслик керакки, табиатга етказилган зарарни пул билан ўлчаб бўлмайди. Табиатнинг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўз қонун-қоидалари бор. Бу қонун-қоидалар инсон иродасига бўйсунмайди. Табиат диалектикаси ана шундай.

Яна бир мисол. Бу ҳам ўрмон ходимлари билан боғлиқ. Яккабоғ туманининг Қуруқсой ўрмончилари ҳеч кимдан сўраб ўтирмай 72 арчага, 10 дан ортиқ теракка қирғин келтиришган. Хайрият, бундан назоратчилар вақтида хабар топиб дарахтларнинг умри сақланиб қолинган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишича, табиат бундан 500 минг сўмдан ортиқ зарар кўрибди.

Кимдир шу беш-ўн дарахт одамдан ҳам азизми, дейиши мумкин. Шубҳасиз, дарахт ҳам, сув ҳам, ер ҳам одамдан азиз эмас. Аксинча, уларнинг барчаси одам учун хизмат қилади. Бироқ инсон ўзи, авлодлари учун ҳаёт манбаи бўлмиш бу неъматларни қоҳида билиб, қоҳида билмай махв этаверса, дунёда нима қолади? Ватанга, юртга, ўз халқига, авлодларга муҳаббат эса табиатни севишдан бошланади. Табиат тарбияси инсонда болаликдан бошланиши керак. Табиатни севган, уни тушунган ва эъзозлаган одам покиза одам ҳисобланади. Бағритошлик нафақат инсонга, ҳатто табиатга ҳам ёт нарса. Биздан авлодларга беғубор осмон, шафф оф, сувли дарёлар, ҳосилдор ерлар, яшил ўрмонлар, кўм-кўк арчазорлар мерос бўлиб қолиши учун ҳозирданоқ кўнгилсиз ҳодисаларга чек қўйишимиз лозим. Зеро, тирик инсон зиммасида тирик олам ҳақида қайғуриш масъулияти ётади.

Исмоил АМИРҚУЛОВ,
журналист



Соҳил сеҳри...

Attang!

БЕПИСАНДЛИК

У ВОСИТАЧИЛАРГА ҚИММАТГА ТУШДИ

Халқимизда бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деган нақл бор. Балиқчи туманидаги "Бунёдкор" кооперативи ана шу нақлга қаттиқ амал қилди. Кооператив "Эргашали" фермер хўжалигидан дон ва пахта хомашёси олди-ю ҳақини тўлашни парвойига ҳам келтирмади. Натижада 2000 йил ҳисобидан 590 минг 600 сўм, 2001 йил ҳисобидан эса 585 минг 915 сўм тўланмаган ҳақ тўпланиб қолди. Бироқ бу кооперативчиларнинг пинагини бузолмади. Тоқати тоқ бўлган фермер хўжалиги бошлиғи Абдумутал Жанбаров вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди.

Бошқарма мутахассислари фермернинг важларини ўрганиб чиқиб фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида даъво аризаси қаноатлантирилди. Натижада суд томонидан "Эргашали" фермер хўжалигига "Бунёдкор" кооперативидан 873 минг 950 сўм асосий қарз ва уни ўз вақтида тўламагани учун 131 минг 92 сўм 50 тийин жарима, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмагани учун 349 минг 580 сўм устама, жами 1 миллион 354 минг 622 сўм 50 тийин ундириб берилди. Шунингдек, кооператив раиси Р. Асқаровдан каттагина миқдорда маънавий зарар 270 минг 924 сўм 50 тийинлик давлат божи ундирилди.

"Бунёдкор" кооперативидан қонуний ҳақини ундиролмай юрган "Қодир" фермер хўжалиги 1 миллион 764 минг 701 сўм, "Б.Аҳмаджон" фермер хўжалиги 1 миллион 393 минг 318 сўм 70 тийин, "Жамшид" фермер хўжалиги 990 минг 838 сўм, "Низомжон" фермер хўжалиги 1 миллион 117 минг 263 сўм 70 тийинлик ҳақларини суд орқали ундириб олишди.

Кооператив бошлиғи Р. Асқаров фермерларга чўнтагидан ҳар бир фермер учун 20 минг сўмдан маънавий зарар тўлади. Кооперативнинг жами тўлаган давлат божи 1 миллион 53 минг 222 сўмни ташкил этди.

Хуллас, лафзсизлик оқибатида "Бунёдкор" кооперативи қолоқликка юз тутди. Шу ўринда ваъдасини бажаролмайдиган воситачи — кооперативнинг кимга кераги бор экан, деган мулоҳаза туғилади. Зеро, одамларга нафи тегмайдиган, уларни сарсон қиладиганлар билан ҳеч қачон муроага келиш мумкин эмас.

Абдурашид АБДУҚАҲҲОРОВ,
ҳуқуқшунос,
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

Аграр соҳанинг барқарор ривожланишидан бутун жамият манфаатдор. Албатта, бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамлиги, юрт ободлиги, эл дастурхонининг тўкин-сочин бўлиши бевосита ана шу соҳада фаолият юритаётганларнинг хизматларига боғлиқ. Яна шуни айтиш лозимки, бугунги кунда аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳот туфайли деҳқонлар ҳаётига меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усуллари кириб келди. Шулардан бири оила пудрати усули ҳам ерга, ишга муносабатни кескин ўзгартиришга асос бўлаётганини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

ЭЛ НАЗАРИ — МУҚАДДАС

Бироқ Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигининг 43 та оида пудратчисидан меҳнат ҳақини ололмаётганлиги ҳақида ариза тушган эди. Ўрганиб чиқилганда, хўжалик бошқаруви раиси А.Носиров ва бош ҳисобчи С.Абдуллаевлар томонидан оила пудратчиларининг меҳнат ҳақлари тўланмаганлиги аниқланди. Аслида эса икки ўртада тузилган шартноманинг 3-бандида ширкат хўжалиги пудратчига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

Адлия бошқармаси оила пудратчилари манфаатларини кўзлаб, Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига ҳам даъво аризалари киритди. 43 та оила пудратчисига суд ҳал қилув қарори билан 3 миллион 530 минг 900 сўм меҳнат ҳақи ҳамда 715 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Пойариқ туманидаги П.Нурмонов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ш.Мирзамуродов ва бош ҳисобчи А.Бўроновлар ҳам оила пудратчиларининг меҳнат ҳақларини тўлашга келганда ўзларини сезмасликка олишган. Мазкур ширкат хўжалигининг 24 та оила пудратчисига суднинг ҳал қилув қарори билан 712 минг 73 сўм меҳнат ҳақи ҳамда 515 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Эндиги мисолимиз янада салмоқли. Жомбой туманидаги "Жомбой" ширкат хўжалигидан 108 та оила пудратчисининг манфаатларини кўзлаб меҳнат ҳақини ундириш юзасидан 4 миллион 495 минг 536 сўмлик даъво аризалар судга киритилганди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризалар тўлиғинча қаноатлантирилди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин гап бунда эмас. Гап шартноманинг ширкат хўжалиги томонидан бажарилмаётгани сабабини ахтариш, деҳқонга меҳнат ҳақини беришдаги ўзибўларчиликка барҳам беришди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, нега бу иш судгача етиб борди? Деҳқон тер тўкиб меҳнат қилса-да, нега ҳақини вақтида ололмади?

Бу саволларга аниқ жавоб топсак, кўп нарса ўз-ўзидан ойдинлашади.

Энг аввало, раҳбар шахс масъулият, жавобгарлик туйғусини унутган жойда ана шундай сансоларлик, оврагарчилик ва оддий фуқароларнинг қонуний манфаатлари топталиши юзага келади.

Демакки, ҳар бир катта-кичик раҳбар ходим ўз фаолиятида оддий одамларнинг манфаатдорлиги, қадр-қиммат, эртанги кунга бўлган ишончи мужассам эканлигини унутмаслиги керак. Шундагина раҳбар шахс эл ўртасида обрў-эътибор топади, юзи ёруғ бўлади. Ўзининг чиркин манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўйишга уринган раҳбар эса, ҳеч шубҳасиз, эл назаридан қолади. Ўзини билган инсон учун бундан оғир жазо йўқ...

Қаҳрамон ХАЙРУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти

Mitti maslahat

ИШ СТАЖИ

УНГА ҚАНДАЙ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ КИРАДИ?

Бугунги кунда меҳнат фаолияти турлари кўп бўлгани учун уларнинг қайси бири ва қандай ҳолларда иш стажига қўшиб ҳисобланиши табиийки, кўпчиликни ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Шундан келиб чиқиб, қуйида ана шу масала хусусида фикр юритамиз.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, "Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 37-моддасига кўра, қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) Фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўланган бўлса;

б) Ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) Идоравий бўйсунувидан қатъий назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) Якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият — ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) Биринчи гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасига хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) Олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) Онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин куни билан, ҳар бир бола 3 ёшга тўлганча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида;

з) Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) Чўпонларнинг хотинлари ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр

Мазкур қонуннинг "е"— "к" бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг "а"—"г" бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади. Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига "е"—"к" бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг "а"—"г" бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъий назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида 1 ва 2-гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки бокувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланаётганда стажга қўшиб ҳисобланади. Ёшга доир нафақа тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди. Табиийки юқоридаги ҳолатларни билиб қўйиш ҳеч кимга зарар қилмайди.

СУНЪИЙ ТЎСИҚ ҒОВ БЎЛОЛМАДИ

Qonun ko`magi

Фаолиятни қонуний асосда бошлаган ва шу тарзда давом эттириб келаётган ташкилот ҳеч қандай текширишдан чўчимайди ҳамда ўз навбатида текширишга келувчиларнинг ҳам қонуний тарзда иш юритишни хоҳлайди. Бироқ бундай бўлмаса-чи? Унда даъвогар кимга ва қай тарзда мурожаат қилиши лозим? Айтиш жоизки, бугуни қуннинг тадбиркори бундай вазиятда эсанкираб қолмайди.

Беруний тумани ҳокимлигида "Қўнғирот" фермер хўжалиги иш фаолиятини текшириш бўйича махсус комиссия тузилиб, унинг таркибига туман ҳокими ўринбосари Ш. Мамедов, бош мутахассис К. Қўзибоев, назорат инспектори М. Аллабергенов, Давлат солиқ инспекцияси ходими Х. Ҳабибуллаев, ер ресурслари хизмати бошлиғи М. Кенжаевлар киритилди. Орадан кўп вақт ўтмай комиссия аъзолари фермер хўжалик иш фаолиятини обдон "ўрганиб чиқишди". Аммо ишига тўсиқ бўлган мазкур комиссия ташрифидан ранжиган фермер хўжалиги бошлиғи М. Қўчқоров Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат этди. Буни қарангки, масала ўрганиш жараёнида фермер хўжалигида ўтказилган текширув ноқонуний тарзда амалга оширилгани аниқланди. Шу боис вазирлик жиноят ишлари бўйича Беруний туман судига текширув комиссияси аъзоларини маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф киритди.Таклиф суд томонидан батафсил ўрганиб чиқилгач эса, тўрт нафар айбдор шахсга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 21-моддасига биноан огоҳлантириш берилди.

Шу билан бирга мазкур фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига жавобгар шахслардан фермер хўжалиги раҳбари М. Қўчқоров фойдасига маънавий зарар ундириш ҳақида бешта даъво аризаси киритилди. Шунга асосан фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро суди қарори билан жавобгарлар ҳисобидан даъвогар М. Қўчқоров фойдасига 743000 сўм маънавий зарар ундирилди.

Нукус шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан "Раҳим" кичик корхонасида ўтказилган текширув ҳам Беруний тумани мутасаддилари олиб борган текширишдан қолишмайди. Ҳатто 2001 йилнинг 10 декабрида кичик корхона фаолияти назорат маркази қарори билан тўхтатиб қўйилган. Шундан сўнг "Раҳим" кичик корхонаси маъмурияти мазкур ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилди. Ушбу ҳолат тегишли идорада қонун талаблари асосида кўриб чиқилиб, айбдор шахслар — Нукус шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори У. Ерназарова, шифокор ёрдамчиси М. Нодиров, бўлим мудири С. Устаеваларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бошлиғи С. Тлемисовага энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима солинди. Санитария-эпидемиология назорати марказининг ноқонуний қарорлари эса бекор қилиниб, унинг ходимларидан кичик корхона ҳисобига 886000 сўмлик маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризалари киритилди. Сўзимизни бошида таъкидланганимиздек, ҳуқуқини билган тадбиркорга **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги ва **"Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"**ги Қонунлар доимий мададкордир. Аммо **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги Қонунда ҳар бир ҳоким ўз ҳудудида қонунлар ижросини таъминлаш учун жавобгар эканлиги ҳақиқатдан ҳам ўтилганига қарамай айрим туман ҳокимликлари мутасаддиларининг қонун бузилиши ҳолларига йўл қўйганини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу ўринда улар раҳбарлик сурури билан қонун олдида барча тенг эканини унутишган кўринади. Чунки буни ўз вақтида англашганида таниш-билиш, халқ, энг муҳими, қонун олдида изза бўлишмасди.

Демир УЗОҚБЕРГЕНОВ,
ҳуқуқшунос

Ajab savdolar

БАНКИР ВА СОЛИҚЧИ АДАШСА...

Жўрабек Сафаров бундан икки йил муқаддам катта ният билан фермер хўжалиги ташкил этган эди. Ўшанда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллигини тантана қилаётган эди. Шу сабаб янги фермер ҳам ном топишга ўйланиб ўтирмади. Давлатимиз, халқимиз ҳаёти учун мустақилликдан улуғроқ неъмат бормикан, йилни тарихга мухрлаб қўяй, деб хўжаликка **"Мустақилликнинг 9 йиллиги"** деб ном берди. Буёғини Яратганнинг ўзи қўлладими, эзгу ниятли фермернинг иши юришиб кетди. Ғалла, сўнг пахта режалари ҳам бажарилиб, хўжалик ҳадемай оёққа туриб олди.

Лекин ҳамма ишинг силлиқ кетаверса ҳам кўз тегар эканми, шу йил 23 июл куни "Пахтабанк"нинг Наврўз бўлимидан чиқарилган 75-сон буйруқ бўйича фермернинг ҳисоб-китоблари текшириладиган бўлиб қолди. Бу одатдаги ҳол эди. Ҳаммаси юқори мувофиқлаштирувчи идоралар билан келишилган. Фақат ана шу қонуний ишнинг ноқонуний томонлари кейин бошланди.

Дастлаб банкка қарашли "Тошкент" мини банки бошқарувчиси Отабек Абдуқодиров келиб фермер хўжалиги ҳисоб-китоблари билан танишди. Сўнг бухгалтерия ҳужжатларини ўзи билан олиб кетиб, далолатномани банкда ўтириб ёзиб қўйишини айтди. Чунки фермерда на идора, на хона бор экан. Фермер текширувчи банкирга касса ҳисоб чекларини ҳам қўшиб топшириб юборди.

Банкирнинг кейинчалик шоҳидлик беришича, икки-уч марта "Оқ олтин" ширкатлар уюшмасига келиб фермерии тополмаган. Фермер ҳам дарров уни излаб боравермади. Охири бир гал учрашганда далолатномага қўл қўйиб берди, ҳужжатлар банкирнинг тортмасида қолиб кетган экан. Бу орада пахта терими даври ҳам келди. Аммо теримчиларга ҳақ тўлаш учун фермерда ҳисоб-китоб ҳужжатлари йўқ эди. Шундан сўнг елиб-югуриш бошланди. Буни қарангки, банкир ҳужжатларни мен олганим йўқ, деди. Фермер 8 октябрда арз билан вилоят адлия бошқармасига келди. Эртаси ҳужжатлари ҳам топилиб қолди.

Гап шундаки, вазият ўзгаргани билан ариза ўз кучида қолди. Шунинг учун бу салбий ҳолатга тегишли баҳо бермаслик мумкин эмас эди. Шу боис бошқарма томонидан "Пахтабанк"нинг Наврўз бўлимига тегишли қоғозлар юборилди ва масала ўз ечимини топди. Шу тариқа ноқонуний иш юритган банкир қонун олдида мулзам бўлиб қолди.

Сирдарё шаҳридаги "Бошоқ" ишлаб чиқариш корхонаси кафесини текширувчилар "босди". Албатта, қонуний йўл билан. Юқори назорат қилувчи идоралар режаси ҳамда Сирдарё туман давлат солиқ идораси чиқарган қарорга биноан дўконни текширишган ходимлар овқат тарқатувчи ва хазиначи нотўғри ишлаётгани ҳақида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишди. Фуқаро Елена Лимдаги 1850 сўм ва касса аппаратидаги 175 сўм қолдиқ пул ҳисобга олинди. Гўё ишлар тўғри келаётгандек эди. Бироқ шошмашошарлик билан ўтказилган текширувнинг "миси" чиқиб қолди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, Сирдарё туман давлат солиқ инспекцияси хизматчилари Ф.Ашуралиев, А.Раимов, А.Ражабов баённома тузиш давомида тегишли қоидаларни бир неча марта бузишди. Аввало, улар ошхонада хизмат қилиб юрган, лекин ҳали расмий ишга олинмаган Елена Лимдан мижозлардан тушган 1850 сўмни олиб, санаб қайтариб беришди. Елена Лимнинг тушунтиришича, текширувчилар келган пайтда электр ўчгани боис у пулларни кассага топширолмаган экан. Шундан кейин солиқчилар касса аппаратини ҳам текширмоқчи бўлишди. Афсуски, бу вақтда электр ўчгани боис бунинг иложи бўлмади. Солиқчилар кассадаги қолдиқ пулни олиб, бу ҳақда баённома тузишди. Бироқ улар текшириш сабаби ва ошхонадагиларнинг қилмиши нимадан иборатлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтиришмади.

Орадан анча вақт ўтгач, ошхонага моддий жарима тўланмаётганлиги ҳақида солиқ инспекцияси томонидан чиқарилган қарор нусхаси етиб келди. Табиийки, бу қарор ошхонадагиларни таажжублантириб қўйди. Кейин гап нимадалигини тушунган хусусий ошхона раҳбари вилоят адлия бошқармасига шикоят билан мурожаат этди. Бошқарма ходимлари масалани ўрганиб чиқишиб, солиқ инспекциясига солиқ инспекциясига тақдимнома киритишди. Унга асосан хусусий ошхонадаги ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатлари тўхтатилди. Қонун талабларини бузишган солиқчиларга тегишли чоралар кўрилди.

Хулоса ўрнида бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: қонун ижросини таъминлайдиган ходимларнинг ўзлари қонунбузилишига йўл қўйишганини нима деб изоҳлаш мумкин? Бу ҳол фуқароларнинг қонунга бўлган ишончига қандай таъсир кўрсатади? Бу каби саволлар мутасаддиларнинг доимий эътиборида туриши лозим. Баён этилганлардан кўзланган мақсад-муддао шулардан иборат.

Зокир ОТАБОЕВ,
Сирдарё вилояти

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Adliya tizimi

Хўжайли тумани ҳамда Тахиатош шаҳрида тадбиркорлар ҳуқуқи ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси масалалари ўрганилиши жараёнида туман ва шаҳар ҳокимликлари, банклар, назорат қилувчи идораларнинг кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини ноқонуний асосда текшириш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Атаб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки ва "Ўзтадбиркорбанк"нинг Хўжайли туман бўлимлари фаолиятида бир қатор хатоликлар мавжудлиги маълум бўлди. Хусусан, туман тадбиркорлик банки бўлими томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг банкда ҳисоб рақамларини очишда қонунда кўрсатилмаган ҳужжатлар талаб этилган. Туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан "Жаҳонгир" ва "Хўжайлитутинув" ҳиссадорлик жамиятларида ўтказилган текширувлар жараёнида "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун талаблари бузилган.

Шунингдек, Тахиатош шаҳар ҳокимлигининг меъморчилик бўлимида тадбиркорлар аризаларини қайд этиш журнали белгиланган тартибда юритилмаган. Тадбиркорлар аризасини кўриб чиқиш, аризагўйларга тегишлича жавоб қайтариш борасида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун кўрсатмаларига амал қилинмаган. 2001 йилда фуқаролар аризалари ечими билан боғлиқ 6 та, 2002 йилда 10 та қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилган. "Азамат" хусусий ҳаммоми, "Бахтиёр" хусусий дорихонаси, "Сазан" хусусий фирмаси иш фаолиятлари шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан қонунга хилоф равишда текширилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга кўра, Хўжайли туман банк тизими ва туман санитария-эпидемиология назоратининг айрим раҳбарларига, Тахиатош шаҳар Давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокори Г. Ҳайитбоев, шаҳар ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини давлат тизимига ўтказиш бўлими мудири Д. Соғиндиковаларга нисбатан зарурий чора қўлланилди. Тахиатош шаҳар ҳокимининг тадбиркорлик субъектларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори прокурор протестига мувофиқ бекор қилинди.

Lafzsizlik

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ...

Косонсой туманидаги "Бўстон" хусусий кичик корхонаси иқтисодий жиҳатдан анча қийин аҳволга тушиб қолди. Кичик корхона бошлиғи М.Нуриддинов ўз ишчиларига маош бера олмай боши қотди. Хусусий кичик корхонанинг танг аҳволга тушиб қолишининг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор эди, албатта. Аммо эртадан кечгача бола-чақа боқаман, деб меҳнат қилган кишиларга бунинг заррача қизиғи йўқ. Зеро, ишлагандан кейин ҳақини ҳам олиш керак-да!

Гапни узоқдан бошласак, 2001 йилнинг 3 июн куни "Бўстон" хусусий кичик корхонаси билан тумандаги "Намуна" ширкат хўжалиги ўртасида шартнома тузилади. Мазкур шартномага биноан "Бўстон" хусусий кичик корхонаси "Намуна" ширкат хўжалигига бир ой муддат ичида «ММЗ-4502» маркали автомашина билан 496800 сўмлик транспорт хизмати кўрсатади. "Намуна" ширкат хўжалиги автомашинани 277880 сўмлик ёнилғи билан таъминлайди. Бироқ 268920 сўмлик транспорт хизмати тўлашга келганда эса "Намуна" ширкат хўжалигининг раҳбар мутахассислари лафзсизлик қилишди. Шундан сўнг кичик корхона раҳбарининг сарсонгарчилиги бошланди. 2002 йилга келиб икки ўртада солиштирма далолатнома тузилди. Унга кўра ўртадаги қарз 268920 сўмлиги яна бир бор ҳужжатларда ўз аксини топди. Бироқ бу билан ҳам ҳеч нима ўзгармади.

Икки ўртада имзоланган шартноманинг 2.6-бандида "Намуна" ширкат хўжалиги 10 кундан кечиктирмай тўловни амалга ошириши кўрсатилган эди. Бироқ улар шартнома мажбуриятларини қўпол равишда бузишган.

Иш судгача етиб келди. Демак, буёғи қонуний ҳал этилади. **"Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 32-моддасида мажбуриятни ўз вақтида бажармаганлиги учун тўлолмаган маблағнинг 15 фоиз миқдорда жарима, тўлов кечиктирилганлиги учун 0,4 фоиз устама ундириш лозимлиги белгиланган. Фуқаролик ишлар бўйича Наманган вилоят судининг судьяси А.Қозоқов раислигида бўлиб ўтган суд жараёни мазкур масалага шу тарафдан ёндашди. Суд ҳукмига биноан "Бўстон" кичик хусусий корхонаси фойдасига "Намуна" ширкат хўжалигидан 443718 сўм ундириладиган бўлди. Шунингдек, ширкат хўжалиги бошқарув раиси Ф.Набиев ва бош ҳисобчи С.Меҳмонов ўз ҳисобларидан "Бўстон" хусусий кичик корхонаси раҳбари М.Нуриддинов фойдасига 50000 сўмлик маънавий зарарни ҳам тўлайди. Хуллас, лафзсизлик ширкат хўжалигидагиларга қимматга тушди. Ачинарлиси шундаки, ширкат хўжалиги аъзоларининг пули раҳбарларнинг айби билан бошқаларга ўтиб кетди. Бу тарафдагилар эса ўз меҳнатларига ҳақ ололмай азоб чекишди. Бунга хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги сабаб бўлди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъи назар, корхона мол-мулкига эҳтиёткор муносабатда бўлиш, уларни тежаб-тергаш нафақат мулкдорининг манфаатларига, балки ишчи, ходимлар, давлат, жамият манфаатларига ҳам мос. Зотан, моддий бойликнинг сақланиши ва кўпайтирилиши жамият фаровонлиги омилидир.

Президентимиз Ислом Каримов айрим раҳбар шахсларнинг ресурслардан оқилона фойдаланилмаётгани, нобудгарчиликка йўл қўйилаётгани ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: **"Бунинг сабаби шуки, ҳали-бери бундай нуқсонларга йўл қўйган бирорта раҳбар ўз чўнтагидан бирор сўм жарима тўлагани йўқ. Ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Исрофгарчилик учун жазо берилмас экан, раҳбар ҳам, оддий ходим ҳам бу масалада бепарво бўлаверади".**

Давлатимиз раҳбарининг тежамкорликни кучайтириш тўғрисидаги танқидий фикрлари мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқур илдиз отиб бораётгани билан ҳамоҳангдир. Зеро, тежамкорликка амал қилмаслик мулкдор манфаатигагина зиён етказиб қолмасдан, ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизмат) таннархи кескин ошиб кетишига таъсир этади. Бу эса, аввало, истеъмолчилар манфаатларига зид, қолаверса, маҳсулот (иш ёки хизмат)нинг рақобатбардошлигини туширади, товар-моддий бойликларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлади. Оқибатда корхоналар синиши, одамларнинг ишсиз бўлиб қолиши эҳтимоли кучаяди.

Корхоналарда ходимларнинг корхона мол-мулкларига эҳтиёткор муносабатини таъминлаш иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий воситалар орқали таъмин этилади. Шу мақсадга хизмат қилувчи ҳуқуқий воситалардан бири корхона мулкига зиён етказган ходимга жазо қўллаш ҳамда етказилган моддий зарарнинг ундириб олинишидир. Хусусан, "Идоравий бўйсуниши, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, барча турдаги корхона, муассаса ва ташкилотлар учун ички меҳнат тартибининг Намунавий қоидалари"га кўра, ходим корхона мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши лозим. Ходимларга юклатилган бу мажбурият Меҳнат Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

Амалдаги меҳнат қонунчилиги ходимлар ҳуқуқлари иш берувчилар ҳуқуқларига нисбатан устувор даражада ҳимоя қилинишини назарда тутади. "Меҳнат ҳуқуқи" қўлланмаси муаллифи Й.Турсуновнинг таъкидлашича, Меҳнат Кодекси ходимларнинг моддий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, улар моддий жавобгарлигининг энг кўп доираси қонунлар билан белгилаб қўйилган.

Меҳнат қонунчилиги иш жараёнида ходимлар зиён кўришининг олдини олиш мақсадида уларга моддий жавобгарлик юклатилишида ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чораларини назарда тутган. Бунда қуйидагилар эътиборга олиниши лозим: корхона мулкига зарар етишида айбдор бўлган, айби аниқ исботланган тақдирдагина ходим моддий жавобгар ҳисобланиши мумкин; ходимнинг эҳтиётсизлик туфайли етказган зарари, қоида тариқасида моддий жавобгар бўлишига олиб келади; ходимдан корхонага етказган зарар ундирилаётганида ана шундай хатти-ҳаракат туфайли олинмай қолган даромад (фойда), бой берилган тушум ундириб олиниши мумкин эмас. Яъни ундан фақат бевосита зараргина ундирилиши мумкин; иш берувчи (корхона мулкдори) зарарни ходимдан ундириб олиш ҳуқуқидан воз кечиш мумкин; ходимни етказган зарари учун тўла миқдорда моддий жавобгарликка (етказилган зарарни ҳаммасини тўлаш) тортиш фақат қонунда (Меҳнат Кодексининг 202-моддаси) назарда тутилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Меҳнат Кодексининг 204-моддасига қайд этилишича, **"Иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишидан аввал, зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузилиши мумкин".**

Корхона мол-мулкига зарар етказишда айбланаётган ходим комиссия ишида қатнашиши, унинг хулоса ва ҳужжатлари билан танишиши, эътироз билдириш, комиссия хулосалари устидан шикоят бериши мумкин.

Меҳнат жараёнида эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказилганида зарар қийматига кўра (уни эскириши ҳисобга олиниб) аниқланади ва бу усул ҳам ходим манфаатларига мос келади. Чунки узлуксиз инфляция жараёни туфайли буюмнинг сотиб олинган пайтидаги баҳоси зарар етказилган пайтдаги баҳосидан паст бўлади. Шу боис, ходим айни буюмни, зарарни қоплаш пайтидаги бозор баҳосидан паст суммада қоплаш имкониятига эга бўлади.

Етказилган моддий зарар бир неча усулларда қопланиши мумкин: ходим зарарни ихтиёрий тўлаши, бузилган буюмни тузатиб бериши ёки иш берувчининг розилиги билан тенг қийматда бошқа буюм топшириши; иш берувчининг фармойишга кўра, ходимнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиниши; судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш (зарар етказилгани аниқланган пайтдан бир йил ичида).

Олий суд Пленумининг **"Ишчи ва хизматчиларнинг корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарари юзасидан моддий жавобгарликни белгиловчи қонунларнинг республика судлари томонидан қўлланилиши ҳақида"**ги қарорига кўра, судлар ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, унга юклатиладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Ходимларнинг иш берувчи олдидаги моддий жавобгарлигини тартибга солувчи қоидаларнинг таҳлили меҳнат ҳуқуқининг мазкур институти бозор муносабатлари қарор топаётган бугунги шароитга тўла мос келмаётганини кўрсатмоқда. Бунда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар нисбати нотўғри белгиланганги, меҳнат муносабатларида ходимларнинг асосан чекланган моддий жавобгарликка, шунда ҳам бир ойлик ўртача иш ҳақи миқдоридагина моддий жавобгар қилиниши иш берувчилар ҳуқуқларининг бузилишига, уларнинг тадбиркорликдан кўзлаган мақсадлари рўёбга чиқмасдан қолишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда ходимларда ўзлари ишлаётган корхона мулкига беписанд муносабатда бўлиш қарашини юзага келтириб, уларнинг масъулияти пасайиб кетишига олиб келмоқда. Шу сабабларга кўра, меҳнат муносабатларида ходимларнинг иш берувчи олдидаги моддий жавобгарлигига оид қонунчилик қайтадан кўриб чиқилса, замон талабларига мослаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

М. УСМОНОВА,
доцент,
Н. РЎЗИМАТОВ,
магистрант

Dolzarb mavzu

ГАЗ ЎРНИГА СУВ

БУ ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ БУЗИШ ЭМАСМИ?

Мамлакатимиз ҳудудида истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Буни **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонун, Фуқаролик кодексининг тегишли боб ва моддалари, бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар яққол ифода этади. Қонуннинг бу талаби ҳозир мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига яхши аён. Аммо шуниси ҳам аёнки, ушбу қонун ижросини оддий фуқаролар эмас, балки истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи идора ва ташкилотлар таъминлашади. Қонуннинг фуқароларга дахлдор ягона жиҳати бор: у белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан доимо фойдаланишга бўлган кафолатдан иборат. Аммо қонуннинг бу талабини кўп ҳолларда уни бевосита бажарувчилар — ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва хизмат кўрсатувчилар "унутиб" қўйишаётир. Истеъмолчиларга эса ўз ҳақ-ҳуқуқларига лоқайдлик, беписандлик, эътиборсизлик билан қараш қусури панд бермоқда. Кўп сонли истеъмолчиларга нисбатан ҳурматсизлик, ўта совуққонлик билан муомалада бўлиш асоратларини Хоразм вилояти аҳолиси ҳам бошдан кечириб келмоқда. Қишнинг дастлабки кунларида воҳага магистрал тармоқлар орқали табиий газ эмас, балки сув ва суюқ газ аралашмаси оқиб келди. Шусиз ҳам табиий газ тақчиллигини бошдан кечираётган воҳа аҳлининг ташвиши янада ортди. Биргина Урганч шаҳрининг ўзида 50 га яқин шаҳобчадаги газ қувурларида муз ҳосил бўлди. Қаҳратон қиш палласида музга айланган газ ва сув аралашмасини эритиш айтишгагина осон. Хуллас, вилоят газ таъминоти шўъба корхонасининг бутун жамоаси қувурлардаги музни эритишга сафарбар этилди. Коммунал тармоқларининг бошқа тегишли корхона ва ташкилотлари ҳам мададга келди. Хайрият, табиий газ таъминоти билан боғлиқ бўлган бу муаммо деярли ечилди, лекин шунда ҳам таъминотда узилиш ва тақчилликлар ҳамон учраб турибди.

— Мамлакатимизда табиий газ таъминоти билан боғлиқ жиддий муаммо деярли йўқ ҳисоби, — деди биз билан суҳбатда "Ўзбошкоммунгаз" бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари Абдубаҳром Вакилов. У кишининг айтишича, Ўзбекистондаги мавжуд конлардан эҳтиёждагидан анча зиёд миқдорда газ сўриб олинаётган, ҳатто унинг бир қисмини хорижга экспорт қилиш имкони ҳам бор экан.

Суҳбатдошимиз табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш юмуши билан "Ўзтрансгаз" ташкилоти шуғулланаётганини маълум қилди. Хўш, бўлмаса муаммонинг илдизи қаерда? Магистрал тармоқларга йўлланаётган беҳисоб газ оқими истеъмолчиларга тўла етиб келмаётган экан, демак, бунга ана шу ташкилот сабабчи бўлади-да!..

— Музлаб қолган газ қувурларини тозалашга ўзларча киши, ўнларча механизм ва пайвандлаш ускунлари сафарбар этилди, - дейди ана шу идоранинг "Хорзамгаз" шўъба корхонаси раҳбари Шоназар Сафоев.

Кўриб-кузатганларимиздан шу нарса аён бўлдики, аҳоли газ тақчиллигидан азият чекмаслиги учун вилоят маъмурияти ва тармоқ ходимлари ҳамма чораларни ишга солишди. Табиий газ биринчи галда аҳоли хонадонлари, шифохоналар, таълим-тарбия муассасаларига етказиб берилди. Бунинг учун муваққат қувурлар ва қўшимча тармоқлардан фойдаланилди. Бир қанча иссиқлик тарқатиш манбалари суюқ нефт ёқилғиси (асосан мазут) билан ишлаш режимига ўтказилди. Табиий газсиз фаолият кўрсатиши мумкин бўлган ўнларча ташкилот, муассаса, идора ва корхоналар вақтинчалик тармоқдан ажратилди.

...Бу йил Хоразмда қиш чиндан-да қишлигини қилмоқда. Шундай эса-да, воҳаликлар дили баҳорни қўмсамоқда. Шунинг учун улар аёзли кунларда газ тақчилликларига чидамоқдалар. Бу билан содир бўлган кўнгилсизликлар учун ҳеч ким айбдор эмас, деган фикрдан йироқмиз. Шу ўринда содир этилган ҳодиса айбдорларини излаб топиш, қонун назорати идоралари зиммасидаги вазифа эканини айтиб ўтмоқчимиз. Зеро, истеъмолчи аталмиш оддий фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига, катта миқдорда иқтисодий зиён кўрилишига сабабчи бўлганлар албатта, қонун олдида жавоб беришлари лозим.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



«Ё пирим!..»

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ҚОНУН ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН!

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида бажарилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, улкан ютуқлар қўлга киритилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз, энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур.**

Давримизнинг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда "Адолат" нашриётида чоп қилинган **"Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари"** китоби Услубий қўлланма бўлиб, қонунчилигимиздаги баъзи бир низоли меҳнат муносабатларига аниқлик киритади. Ушбу қўлланма ҳеч шубҳасиз, корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, кадрлар бўлимлари бошлиқлари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматчилари ва барча фуқароларга амалий ҳуқуқий ёрдам беради. Аммо шуни унутмаслик керакки, қонунлар ёзилганлиги билан эмас, балки уни ҳаётга қандай тадбиқ қилиниши билан гўзалдир.

Шу ўринда биз бир масалага эътиборни қаратишни лозим топдик. Маълумки, баъзи жойларда ходим устидан жиноят иши қўзғатилгач, идора раҳбари дарҳол ходимни ишдан бўшатишга тушиб қолади. Ушбу айб ходимга ўринли қўйилган ёки қўйилмаганлиги, судда ушбу ҳолат уз исботини топган-топмаганлиги раҳбарга аҳамият касб этмайди. Ваҳоланки, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосан ходим ўз меҳнат фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлмай қолган тақдирда меҳнат шартномаси (контракт-)ни бекор қилиш мумкин. Бироқ суриштирув ва дастлабки тергов идоралари қарорлари билан ходимни ишдан бўшатиш мумкин эмас.

Ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ (фармойиш) суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейин чиқарилади. Агар ходим бунга қадар қамоқда сақланаётган ёки белгиланган тартибда вазифасидан четлантирилган бўлса, буйруқда унинг охирги ишлаган куни ишдан бўшатилган кун деб кўрсатилиши лозим.

Масалан, ходим озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги сабабли ишдан бўшатилганда буйруқ қуйидаги кўринишдан қабул қилиниши мумкин:

Намуна: "Алимов Элдор — Косон туман матлубот жамиятида бош бухгалтер. 2001 йил 5 сентябрдан қонуний кучга кирган суд ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

Асос: Косон туман судининг 2001 йил 15 августдаги ҳукми, Меҳнат Кодексининг 10 "в" моддаси, 3-банди.

Косон туман матлубот жамияти бошқаруви раиси: имзо И.Эшонов."

Қонун асосида яшашни ўрганиш учун ҳар бир шахс, энг аввало, қонунларни яхши билиши ва унга қатъий риоя қилиши лозим.

Biz bilgan va bilmagan tarix

СУРАТ ТИЛГА КИРГАНДА

Ушбу сурат мақола муаллифининг шахсий архивидан олинди.

Янглишмасам, 1960 йиллар эди. Бир куни "Саодат" журнали таҳририятига шоира Маҳбуба Раҳим қизи кириб келди. Газета ўрамидаги дафтарлар орасидан целофанга ўроғлиқ бир суратни чиқариб:

— Синглим, мен сизга туҳфа келтирдим, — деди.

Суратни бир бошдан кузатар эканман, иккинчи қатордаги чапдан биринчи одамни кўрганимда "дадам, дадажоним!" дея қичқириб юбордим.

Маҳбуба опа мени юпатган бўлиб:

— Бу суратда менинг акам шоир Фитрат ҳам борлар. Биринчи қаторда ўнгдан иккинчи. Акам билан дадангиз қадрдон бўлишган, — деди ва суратни менга совға қилди.

Шу-шу, бу сурат китоб жавоним ойнасидан макон топди. Ҳар гал сурат ёнидан ўтганимда, бу сиймоларга тикилиб қолардим. Улардан тўрт кишинигина: биринчи қаторда чапдан биринчи ёзувчи Садриддин Айний, шу қаторда чапдан бешинчи шоир Фитрат, иккинчи қаторда чапдан биринчи отам муаллим ва журналист Саид Аҳрорий ҳамда уларнинг ёнларидаги баланд бўйли Абдулла Авлонийнигина билардим. "Қолганлар ким ва улар нима муносабат билан тўпланганлар?" деган савол менга тинчлик бермай келди. Ана шуни аниқлашга жазм қилдим. Отам муҳаррирлик қилган "Бухоро ахбори" "Озод Бухоро" газеталарининг йигирманчи ва ўттизинчи йиллар сонларини титкилаб чиққач, "Маориф ва ўқитувчи" журналини кўздан кечиришга киришдим. Сурат ана шу журналнинг 1926 йил бешинчи сонида босилган экан. Унинг тагига "Янги ўзбек алифбосини амалга ошириш учун чақирилган илмий мажлис қатнашчилари — Самарқанд шаҳри, 1926 йил" деган ёзув битилган бўлиб, чапдан биринчи (ўтирганлар) Садриддин Айний, Шокиржон Раҳимий, Раҳим Иноғомов, Давлат Ризаев, Фитрат, Абдувоҳид Бурҳон, (тикка турганлар) Саид Аҳрорий, Абдулла Авлоний, Гози Юнус, Зуфар Носирий, Маҳмуд Субаев, Элбек, Вадуд Маҳмудий, Қаюм Рамазонлар эканлиги ҳам қайд этилганди. "Буларнинг бари ҳақида, уларнинг тақдири ҳақида ёзолмасанг ҳам маълумот тўплаганларинг ёзишга урин", - деб яна ўзимга топшириқ бердим. Имкон қадар аниқлашга киришдим. Биринчи қаторда ёзувчи Садриддин Айний ёнидаги Шокиржон Раҳимий ўз даврининг илғор халқ маорифи намояндаларидан бўлиб, бошланғич мактаблар учун дарсликлар тузган, "Катталар йўлдоши", "Яшасин Туркистон" каби китобларини чоп эттирган. Ҳибсга олинган чоғида кўрлар мактабида дарс берган. У жиноят мажмуасининг 54, 64, 67 моддалари билан айблаб, олий жазо — отишга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йилнинг 4 октябрида ижро этилган.

Шокиржон Раҳимий билан ёнма-ён ўтирган Раҳим Иноғомов ўқимишли ва билимдон инсон бўлган. Ҳужжатларнинг далолат беришича, у 1902 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Москвадаги Свердлов номли университетни тугатган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Тарихда шундай шахслар борки, улар ҳақида ёзаётганингда ўйланиб, маълум маънода ҳайиқиб турасан киши. Бу ҳайиқиш нимада кўринади, деган савол туғилади ўз-ўзидан. Кейин ўзинг сезмаган тарзда жавоб ҳам берасан: уларнинг инсоният маънавият оламининг бойишига кўрсатган, кўрсатолган таъсирида, одамзод тафаккурининг энг олис пучмоқларини шамширдайин ўткир, бетакрор фикрлари, шамчироқдай ялт-юлт ёниб ҳаргиз ёруғлик таратгувчи янги қарашлари, уларни мутолаа қилган, мутолаа қилолган киши дунёқарашини қордек оппоқ пок туйғулари ила мафтун этишида, яна ана шу ихлосманди ҳис-туйғуларига таъсир кўрсата олиб, уни жунбушга келтира олишида, деб юборасан беихтиёр. Шунда дафъатан қалбинг ҳайқира бошлаганини ҳис этасан...

ИНСОНПАРВАРЛИК СОЗИН ЧАЛГАН АЛЛОМА



Қадимги Хитой донишманди Конфуций ана шундай алломалар сирасига киради. У эрамиздан аввалги 551 йилда Чин юртининг шарқидаги Лу салтанатига қарашли бўлган Чанжин вилояти Цзоу туманида дунёга келди. Конфуцийнинг отаси Кун Шулянх ана шу туман ҳокими бўлиб, онаси Ян хоним унга жуда эрта, ўсмир чоғида узатилиб юборилган эди. Конфуций оилада энг кенжаси бўлиб, уч ёшга тўлганида отаси дунёдан кўз юмади. Онаси Ян хоним бўлак турмуш қурмайди. Шу боис ғўдак ота меҳрига зор бўлиб улғаяди. Оиланинг бутун ташвишлари онаси бўйнига тушган, ҳали отаси ҳаёт бўлган кезларида ҳам бу оила тўкин-сочинликда ҳаёт кечирмаганди. Отасининг йиллик даромади юз қоп донни ташкил этганди, холос.

Ота ўлимидан сўнг оила қашшоқликда кун кечирди. Шунга қарамай, бўлғуси донишманд қувноқ ва ҳаётга муҳаббат қўйиб вояга етди. У ота-боболари урф-одати, анъаналарига содиқ қолиб, баъзан қурбонлик учун ёғоч идиш-тобоқларни синдирганида баъзи дўстлари ҳайрон қолишарди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам дунёга илоҳий бир назар сола олиш қобилияти бу улуғ алломада болалигиданоқ шакллана бошлангандир?.. Ян хонимнинг изтиробларга тўла бўлган ҳаёти фарзандини ҳеч қачон бефарқ қолдирмас, у муштипар онаси дардларига ҳамиша ҳамдард улғаярди ва ана шу оғир кечган болалиги унинг келажакдаги қарашларига, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларига ўз таъсирини ўтказиб улгурганди. Конфуций ўн олти ёшга кирганида онаси ҳам бандаликни бажо келтиради. У ана шу ёшдан мусликни ҳақ ҳаёт кечиришга маҳкум этилган, аммо келажак унга фаровон турмушни ваъда қилмасди...

У маҳалларда Чин мамлакатида инсоннинг ҳаётдаги ўрни келиб чиқиши билан боғлиқ эди. Аслзода оилаларга мансуб ёшлар юқори лавозимларни эгаллар, қуйи мансабдорлар эса авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб борарди. Конфуций отаси ўрнини эгаллай олмади. Шу сабаб ҳам омма орасида унинг нуфузи пасайиб кетди. У фақат ўз иқтидори ва куч-қуввати туфайлигина жамиятда юқори бир мансабга эришиши мумкинлигини тушунди. Тақдир эса бундай неъматни Конфуцийга ато этганди. У ақлфаросатли, соғлом, куч-қувватга тўла бир йигит бўлиб вояга етди. Ана шу йигитлик палласидаёқ Конфуций олти шарқ санъати қонунларини мукаммал ўзлаштиришга эришди.

Ўн тўққиз ёшида Конфуций Суи салтанатида истиқомат қилувчи қизга уйланади. Уларнинг биринчи фарзандлари ўғил эди. Кейинчалик Ли исмли бу фарзанд олим бўлиб етишди ва Боюй тахаллусини олди.

Бошида Конфуций оилавий ташвишга ўралашиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди. Кўплаб одамлар билан ҳамсуҳбат бўлади. Йигирма етти ёшида у ўзи истиқомат қилаётган шаҳар бош бутхонасига, қурбонлик маросими ўтказувчига ёрдамчи бўлиб ишга киради. Бу ерда унга эски Хитой урф-одатлари ва мусиқасини билиши асқотади. Ана шу ёшда Конфуций эл орасида танила бошлайди. "Ўттиз ёшимда оёққа тура бошладим", деган эди ўзи ҳақида Конфуций. Бу пайтда у уйида хусусий мактаб очиб, ёшларга илм бера бошлади ва ўзи ҳам Чжолар сулоласи урф-одати ва анъаналарини чуқур ўрганишга киришади. Айни дамда у Лу салтанатида кўзга кўринган сиёсий арбоб сифатида танилади ва султон Чжо-гуннинг яқин кишиларидан бирига айланади. Саройдаги қабулларда унинг нуфузи борган сари орта боради. Ана шундай қабулларнинг бирида Цин ҳокими Цзин-гун Конфуцийдан Цин ўлкаси ютуқлари сабабини сўраб қолади. Конфуций унга жавобан "Цин шоҳлиги у қадар катта бўлмаса-да, аммо имконияти улкандур; салтанатнинг чеккасида жойлашса-да, ўтказаётган сиёсати ўртачадур, кимки битта қора қўчқор терисини келтирса, аслзода мартабаси билан сийланиши мумкин", деб йиғилганларни ҳангу манг қолдирди. Бу жавобнинг ўзиданоқ Конфуций қарашлари мағзини сезиш мумкин эди. У аслзодаликни келиб чиқиш ёхуд сотиб олиб эмас, балки ҳалол меҳнат ва чуқур билим билан эгаллашлик кераклигини айтмоқчи бўларди.

Конфуций ўттиз беш ёшни қоралаганда Лу салтанатида исён кўтарилди. Бу исён сабабчилари Цзи, Мэн ва Шу шажарасига мансуб аслзодалар эди. Улар Чжоу-гунни тахтдан қулатишга уриндилар. Султон Ци салтанатига қочишга мажбур бўлди. Конфуций ҳам унинг орқасидан жўнади. Ци сулоласига мансуб бўлган султон Цзин-гун уни қабул қилишини қаттиқ туриб талаб этди. Бу пайтда у Ци салтанатида юқори лавозимларни эгаллаган амалдорлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиб улгурганди. Ана шундай амалдорлардан бири билан бўлган учрашувда у ўзининг мусиқа бобидаги билими билан уни ҳайрон қолдиради. Суҳбатда мавзу сиёсатга бориб тақалган ва файласуф (чжэн) "сиёсат-бошқарув" масаласида ҳам мутахассис сифатида маълум муваффақиятларга эришганини намойиш этади.

Бир қанча вақтдан сўнг Конфуций Лу салтанатига қайтади ва халқ қўшиқларини тўплаш ҳамда ёшларга илм бериш билан шуғулланади. Бу пайтда у қирқни қоралаган ва ўзини муаллимлик қилишга маънавий ҳақли деб биларди. Яна у таълим борасидаги ўзининг янги қарашларини илгари сурди. Таълим тизими бепул бўлиши керакли-ги, бу тизимга пора аралашиши керакмаслиги ғояси билан чиқди. Биринчи галда ўзи бу тартибга амал қилди. Унинг ўқувчилари орасида турли тоифага мансуб кишилар бор эди. Айримлари ёши муаллимларининг ёшидан ҳам анча улуғ эди. Конфуцийнинг обрў-эътибори тобора юксала борди, мамлакатнинг чекка ўлкаларидан бўлган илм истовчи аҳоли ҳам унинг ҳузурига оқиб келаверди.

Конфуций ўн йилдан ортиқроқ ана шу фаолият билан шуғулланди. Бу пайтда унинг ёши элликдан ошганди. "Фақатгина элликка кирганимда мен Осмон инон-ихтиёри ҳақида идрок этолдим", дейди у. Эҳтимол худди ана шу ёшда алломада ер курраси ишлари борасида, шоҳлик ҳокимиятига Осмоннинг таъсири ҳақидаги якуний тасаввур шаклланиб улгургандир. Бир йилдан сўнг Конфуций ўз бахтини маъмурий ишда синаб кўришга аҳд қилди. Лу салтанати султони Дин-гун уни Чжунду вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. У бор-йўғи бир йил бу ўлкани бошқаради, аммо атроф ўлкалар ҳокимлари у ўрнатган тартиб-интизомни кўриб ҳавас қилишдан ўзга чора тополмайдилар. Қарийб олти йил мобайнида Дингун уни турли мансаб поғоналарига кўтаради. Конфуций 56 ёшга тўлганида уни ўзининг биринчи маслаҳатчиси қилиб қўяди. Бу пайтга келиб Конфуций жуда кучли ҳокимиятга эга бўлади. Аммо тахт соҳибининг маишатга мукасидан шўнғиши ва саройдаги айрим номақбул хатти-ҳаракатлар уни истеъфога чиқишига сабаб бўлади. Конфуций олтмишни қоралаганда **"Мен фақат шу ёшга кириб ҳақиқатни ноҳақликдан ажрата олдим"**, деганди. Қарийб ўн уч йил у ўз шогирдлари билан белоён Чиннинг ўнга яқин салтанатини кезиб чиқади. Унга муҳтож бўлган аҳолига ўз хизматини кўрсатади, аммо унга қайта мансаб шоҳсупасига кўтарилиш насиб этмайди. Ана шу йиллар мобайнида у инсониятни ҳаяжонлаштириб келган ва ҳали ҳамон ҳаяжонлантираётган муаммолардан бирини ўзига хос тарзда таҳлил этиш бахтига мушарраф бўлади. Бу муаммо маълум маънода оддий, шу билан бирга ечиб бўлмас ҳам: **ҳокимият тепасига кўтарилган одам қандай қилиб собит бир эътиқодда бўлиши мумкин?** Албатта, қонуншунослик нечоғлик мукаммал бўлса, бошқарув ҳам шунчалик такомилга эришади. Конфуций қонуннинг аҳамиятини жуда яхши биларди, лекин у ҳокимиятга эга бўлган одамларни қайта тарбиялаш, уларни ахлоқан тозалаш, "комил инсон" даражасига кўтариш ишқи билан ёнарди.

Ахлоқий поклик — бошқарув идораларида ишлаётганлар учун зарур нарсалардан зарури деб ҳисобларди у. Конфуций яна бу ахлоқий поклик закийлик ва тафаккур поклиги билан йўғрилган бўлиши, бу ҳол ўзига қадар қадим Хитой маданияти анъаналарини ўзида мужассамлантириш даражасига кўтарилишини орзу қилиб яшашни ҳаёти мазмунига айлантиролганди. Энг асосийси, Конфуций камолотнинг ана шу босқичига кўтарилиш учун биринчи навбатда одам ўзидаги худбинликни йўқотишга эришиши лозим эканини мисоллар билан кўрсатганди. "Кхэ цзи фу ли, - деб таълим берганди Конфуций, - бу -"ўзингни енгиб ўт ва ҳаёт қоидаларига риоя қил", дея қонунни ҳар нарсадан устун қўйиш кераклигини бирикки жумла орқали ўзгача мазмунда ифода эта олганди. Конфуций нафақат жамиятда, балки одамлар билан муомалада ҳам шахсиятпарастлик, манфаатпарастлик, мансабпарастлик ва яна бир талай инсонни йўлдан оздирувчи иллатлардан фориғ бўлиб, инсоний муносабатларни юқори поғонага кўтариш кераклиги ҳақида таълимот яратди. Агар одамлар ана шу иллатлардан фориғ бўлиб муносабатда ижобий натижага эришганларида жамиятда келишувчанлик, тинчлик вужудга келиб, мамлакат тараққиёти юксакликка кўтарила олиши, инсон ва жамият ўртасида бир-бирини тушуниш, уйғунлик вужудга келишини башорат қилганди. Яна Конфуций орзу қилган "комил инсон" ҳар бир хатти-ҳаракатини юксак инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиб олиб бориши шарт эди. Ву инсонпарварлик фазилати "комил инсон"нинг нафақат оилавий ҳаётида, балки иш фаолиятида ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилиши кераклигини у ўз битикларида, оғзаки ваъзларида кўрсатиб келарди. Конфуций ўз шогирдларига ҳам инсонпарварлик ғояларига содиқ қолиб, нафақат дунёвий ишларда, балки осмоний илмларни эгаллашда ҳам юксак натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидларди. У **"бирор жойда хизмат қилиб, ўша ерга фойда беролмаётганингни ҳис этсанг, ҳеч иккиланмай у даргоҳни тарк этишинг лозим. Акс ҳолда ўз эътиқодингга зид иш қилган бўласан"**, деб эътиқодсиз яшаш дунёда энг фожиали кўриниш эканини аниқ мисоллар билан исботлай олади.

Конфуций маънавий меросидаги энг муҳим ўринни худди ана шу инсонпарварлик, таъбир жоиз бўлса, инсонпарварлик қараши ташкил этганки, бу ғоя ҳали-ҳануз инсоният эришган, эришолган улкан ютуқлар ёнки улкан маънавий меросларидан бирига айланиб қолган. Конфуций ана шу қарашларидан келиб чиқиб, жамият юксак ахлоққа эга бўлган маърифат кишилари ҳамжамиятига айланишини истаганди. Ва бу муносабатлар пойдеворини ана шу комилликка эришган шахслар мустаҳкамлашини, яна улар бошқа кишиларда ҳам худди ана шу ўзларидаги фазилатлар юзага келганини кўра олишлари, кўра билишлари шарт, деб орзу қилганди.

Юксак инсонпарварлик созин чалган, чалолган аллома етмиш уч йиллик ҳаёти давомида инсоният маънавиятига ўзининг турфа хил қарашлари, турфа мавзудаги битиклари билан мўл-кўл ноз-неъматларини тортиқ

қилолди. Бир мақола доирасида бу бемисл лаззатга эга бўлган "таом"нинг турфа қирраларини, чуқур ҳаққоний баҳосини беришга калом ҳам, қалам ҳам ожиз деб ўйлаймиз. Зеро, бу улуғ жаҳоншумул алломага, унинг фалсафий қарашларига қизиққан муштарийлар уларни излаб топишларига, ўлмас бой маънавий мероси ҳақида фикр билдиришларига умид қилиб қоламиз.

Falsafa va qonun

Аббос САИД,
Акмал БУРҲОН

Nuqtai nazar

НАФС АРАВАСИ

Инсон зоти борки, у ҳеч қачон нафс буюрган амалдан бўйин товламайди. Чунки нафс унинг барҳаётлигини, бекордан-бекор нобуд бўлмаслигининг олдини олади. Шу маънода нафсни оқлаш ҳам мумкин. Лекин инсон табиати шу қадар мураккабки, улуғ донишманд ва файласуф олимлар ҳам нафс хусусида бош қотириб, инсон хулқ-атворидаги ана шу иллатни тузатиш, ҳеч бўлмаганда, унга таъсир қилишда чора топа олмаганларини очикдан-очиқ тан олишган. Бир қараганда, инсон беозор ва меҳрибон кўринса-да, унинг табиатида эзгулик билан бирга ёвузлик ҳам ёнма-ён яшайди. Баъзан одам боласи биргина қорин дардида бунчалик ўзини қийнамаса, жабр чекмаса, деган хаёлга ҳам борасиз. Шунинг учун бўлса керакки, яхши инсонни учратганда ундан айрилгингиз келмаса, ёмон одамни кўрганда тезроқ ундан қутулиш, бошингизга бирон-бир ғалва орттирмаслик пайига тушасиз. Чунки одамзот кўп ҳолларда нафс ва озгина манфаат деб бир-бирини алдайди, макр-ҳийла ишлатади, булар кўл келмаган пайтда эса бир-бирига қасд қилишдан ҳам тоймайди.

Хўш, ана шунга ўхшаш турли хислат ва феър-атвор инсон табиатида қандай пайдо бўлади, деган савол туғилади. Баъзан ҳалол ва покдомон деган одамнинг ҳам айрим "қилиқ"ларини кўрганда, ҳафсаланг пир бўлади. Ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар қандай ишга қўл урмасин энг аввало, ўзига қай даражада манфаат етишини ўйлайди. Мабодо бундан ҳеч қандай фойда йўқлигини билиб қолса, дарҳол ўзини четга тортади. Шунинг учун ҳам инсон нафси буюрган ҳар қандай ишни қилишдан ўзини тия олмайди. Ҳаётда эса ўзининг нафсига қарши борганлар жуда кам учрайди. Чунки хоҳласак-хоҳламасак ҳам, ейиш-ичиш ва кийиниш сингари табиий эҳтиёжни ўрнига қўймаган инсонда хотиржамлик ва ҳаловат йўқолади. Бироқ ҳамма гап шундаки, нафс ана шу табиий эҳтиёжлар билан чекланиб яшашни ўзига маъқул кўрмайди. Ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, табиий эҳтиёж талабларидан қутулгач, кайф-сафо, айш-ишрат қилиш, мол-дунё тўплаш ва буни бошқаларга кўз-кўз қилиб мақтаниш, кибр-ҳавога берилиб, ман-манлик қилишга ўтади.

Албатта, ана шу йўлга кирган инсон учун аввало, ҳаёт асл маъно-мазмунини йўқотиб қўяди, у нима учун яшаётганини ҳам унутиб юборади. Баъзан нафс хуруж қилганда, ҳар қандай иллатга қўл уришдан қайтмайди. Машҳур алломалардан бири Имом Газзолий қайд қилишича, инсон ҳаётида нафс ва шаҳвий тушунчаси жуда муҳим ўрин тутади. Бу кўҳна дунё бир манзил бўлиб, ҳар ким ундан ўтишга мажбур. Инсон танаси арава бўлса, нафс шу аравани тортиб боришга чоғланган от, ақл шу отнинг эгаси (чавандоз), қаҳр-ғазаб чавандозга ов пайтида ёрдам берадиган итга ўхшайди. Чавандоз шу дунё бўйлаб ўлжа қидириб овга чиққан. От эса унинг аравасини ўзи истаган тарафга тортиб қайсарлик қилади. Отлиқ ақлни ишлатиб, аравани тортиб бораётган отнинг жиловини қўлида маҳкам тутиб бормаса, уни жарлик томонга судраб ҳалок қилиши мумкин. Шунинг учун от эгаси ўлжа қидириш давомида тадбиркорлик, фаросат ва ҳушёрлик билан иш тутмаса, овда тушадиган ўлжаларга қизиқиб кетгудек бўлса, ўзининг қай томонга йўл олганини эсдан чиқариб қўяди ёки ўзининг ҳақиқий манзилидан адашиб, мутлақо бошқа томонга кетиб қолиши мумкин. Шу боис улуғ донишмандлар баднафслик инсон учун ниҳоятда зарарли нарса эканини огоҳлантириб ўтган. Чунки бу бежиз эмас. Агар олис тарихга назар ташласак, бутун бошли миллатлар нафс қутқусига учиб жаҳолатга берилган, кўпдан-кўп залолатларга ботган ва охир-оқибат ҳалокатга йўлиқишганига гувоҳ бўламиз. Чуқурроқ мулоҳаза юритганда ҳам, нафснинг хуруж қилиши маънавий бузилиш, инсоний қиёфани йўқолишига олиб келган. Ана шундай йўлга кирган кимса ўзига нима фойда-ю, нима зарар эканини фарқлаб ололмайдиган бўлиб қолади. Бунинг устига инсоннинг табиати қизиқ, у аслида зарар бўлган нарсада ўзига фойда кўрса, ўзига фойдаси бўлган амални ўзи учун зарарли деб қабул қилади. Бундай йўлга кирган кимсани на панд-насиҳат, на яхши сўз тузатади. Унга ҳеч нарса кор қилмайди. Рус ёзувчиси И. Тургенев худбин кимсалар ҳақида фикр юритиб, шундай таъриф берган:

"Худбинларнинг уч тоифаси бўлади: ўзи яшаб, бошқаларнинг яшашига халақит бермайдиган; ўзи яшаб, бошқаларга кун бермайдиган; ўзи ҳам яшамай, бошқаларнинг яшашига ҳам кун бермайдиган худбинлар.

Бу фикрдан ҳам кўриниб турибдики, баднафслик инсонни шундай тубан даражага туширар эканки, у ҳатто бошқаларнинг тинч-хотиржам яшашидан ҳам қаттиқ оғринар экан.

Бундан ташқари руҳшунос олимлар ҳар бир инсон табиатида вахшийлик, ҳайвонийлик, шайтонийлик ва раббонийлик сифатлари мавжуд бўлишини аниқлаган. Киши табиатида ана шу сифатлардан қай бири устунлик қилса, ўша сифат унга ўз ҳукмини ўтказар экан. Мисол келтирадиган бўлсак, ҳайвонийлик сифати устунлик қилган кишилар асосан еб-ичиш ва кайф-сафо қилишдан бўшамайдилар. Ана шуни ҳаётнинг бирдан-бир маъноси сифатида ўзларига шиор қилиб, умр кечирадилар. Уларнинг тафаккур доираси ниҳоятда тор бўлиб, ҳайвон хўрақдан бош кўтармагани каби улар ҳам кундалик маишат ва айш-ишратни асл мақсад қилиб олади. Бундан ташқари, ваҳшийлик ва шайтонийлик сифати устунлик қилган кишилар ҳаётда алдамчи, маккор, бировлар ҳақига тажовузкор ва олғир бўлишади. Ҳаттоки бу сифатга мойил кишилар жамият ҳаётига салбий таъсир қилиб, тинч-хотиржам яшаётган одамларнинг тинчлигини бузади, хиёнат қилади, қонун-қоидага риоя қилмайди ва бошқалар ҳақ-ҳуқуқини ўрнига қўймайди.

Қалбида эзгулик устун бўлган инсон еб-ичиш, ўзига муайян шарт-шароит яратишдан ташқари ҳалоллик, меҳр-шафқатлилик ва ҳурмат-эҳтиромни ўзларининг ҳаёт мазмунига айлантириб олади. Бундай кишилар ўзига зарар келтирадиган ортиқча ҳою-ҳавасларга берилмасдан нафсни тийиб яшашга эътибор қиладилар.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, инсон ва нафс тушунчаси азал-азалдан муҳим мавзу сифатида қараб келинган. Чунки нафсни таниган инсон ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини тўғри англаб олади ва ҳеч қачон эгри йўлга юрмайди.

Донишмандлардан бири "худбин учун ўтмиш — бўшлиқ, ҳозир — қакроқ чўл, келажак — аҳамиятсиз бир нарса", — деганда ҳақ гапни айтганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зотан, баднафслик инсон учун зарар бўлса зararки, лекин унга фойда келтирмагани аниқ.

Бобомурод ЭРАЛИЕВ

Turfa olam

САХИЙЛАРИ — ЎЗБЕКЛАР ЭКАН

Чилилик олтмиш уч ёшли Леонтина Эспиноза исмли аёлнинг етмиш уч нафар фарзанди бор.

Зимбабвелик Тума Нзу Маказа эса бир юз ўттиз олти нафар фарзанднинг отаси. Унинг йигирма тўртта рафиқаси бор. Ҳаммаси бир оила бўлиб яшайди. Улар ҳафтасига оз эмас, кўп эмас, бир тонна макка уни, қирқ саккиз литр ёғ, саксон кило шакар истеъмол қилишади.

1974 йил май ойида бирмалик Бханданта Висичара жами ўн олти минг саҳифага жой бўладиган Будда ривоят ва ақидаларини ёддан ўқиди.

Руминиянинг Буззулий қишлоғида яшовчи қирқ беш ёшли Женика Неаговичнинг юраги ўнг томонида, жигари эса чап томонида жойлашган.

Дунёда энг хасис эркаклар французлар, сахийлари,табиийки, ўзбеклар экан.

Дунёда "семиз" давлатлар — АҚШ, Россия, Буюк Британия, Олмония, "озғин"лари — Ҳиндистон ва Бангладеш. Буёғини сўрасангиз, бугунги кунда дунёда бир миллиард одам семизликдан азоб чекмокда.

Taqdir tarixi

MARGARET THATCHER

«ТЕМИР ХОТИН» ЭРАСИ

Ҳаётни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки жамият тараққиётида аёлларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Агар тарихга назар ташласак, ўзининг фидойилиги, сиёсат бобида манаман деган эркакни ҳам мағлуб қила оладиган, гўзал фазилатларга эга бўлган ҳамда дунё халқлари қалбидан абадий жой олган аёллар саноқлидир. Ана шундай олий бахтга муяссар бўлган аёл шахслардан бири Буюк Британия Бош вазири лавозимида икки муддат фаолият олиб борган Маргарет Тетчер хонимдир.

Англиянинг Грентҳам шаҳрида яшаган Алф ва Беатрис Робертсларнинг иккинчи қизи Маргарет 1925 йилнинг 13 октябрида тадбиркорлар оиласида дунёга келади. Маргаретнинг отаси Алфнинг кичкина ширинлик дўкони бор эди. Онаси эса болалар тарбияси билан машғул эди. Ўғли йўқлиги сабаблими Алф қизи Маргарет келажагига алоҳида умид кўз билан қарар, сен келажакда халққа фойдаси тегадиган инсон бўлишинг керак, деб мунтазам уқтирарди. Ҳар сафар отасининг ана шундай гапларидан сўнг, Маргарет ўйланиб қолар, масъулият, ишончни оқлаш, умрнинг қадр-қимматига етиб яшаш каби фарзандлик бурчлари уни на кундузи, на кечаси тинч қўярди. Шундай ниятлар билан отаси уни 10 ёшли учун мўлжалланган "КЕСТЕНБАЛ" номли ўрта мактабга олиб боради. Маргарет бу ерда ўқиш давомида асосан ҳуқуқий, сиёсий фанларга жиддий эътибор билан қарар, ҳатто ўзининг айрим қалтис саволлари билан ўқитувчиларни ҳам шошилтириб қўярди. Мактабни аъло баҳоларга тугатгач, Маргарет дунё миқёсида жуда кўплаб буюк давлат арбобларини камол топтиришда катта хизмат қилган машҳур Оксфорд университетининг химия факультетига қабул қилинади. Маргарет химия факультетининг талабаси бўлишига қарамасдан, ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлайди. У курсдошларига қараб, бир кун келиб мен, албатта, Парламент аъзоси бўламан, деб айтарди. Буни кўрган айрим тенгдошлари нима сабабандир у билан келишолмай қолишади. Аммо Маргарет Тетчер дўстларининг бундай муносабатларига эътибор бермай, ўз мақсади йўлида тинмай меҳнат қилди. Бунинг натижаси ўлароқ 23 ёшида у Парламентнинг умумий палатасига номзодини қўяди. Сайловда 26-номзод ичидан фақатгина Маргарет ғолиб чиқади ва Парламент аъзоси бўлади. Ўша куни Маргаретни табриклаш ниятида кўплаб дўстлари, мартабали шахслар келади. Ана шу қутлуғ маросимда Тетчер Денис исмли бир тадбиркор билан танишиб қолиб, орадан маълум вақт ўтгач, яъни 1951 йил 13 октябрида у билан турмуш қуради. Шуниси қизиқки, тўй куни Маргарет оқ либосда эмас, балки кўк либосда чиқади. Сабабини сўрашганда, у шундай жавоб беради: биринчидан, кўк кўйлак консерваторларнинг энг яхши кўрган рангидир. Иккинчидан, эрим Денис иккинчи бор уйланмоқда.

Тўйдан сўнг Маргарет сиёсатдан бироз узоқлашиб, анча вақтгача уй-рўзғор ишлари билан банд бўлади. Аммо у гарчи уйда ўтирса-да, жамият ҳаётидан узилиб қолмайди. Хусусан, у Англия аёлларига қарата "Аёллар уйғонинглар!", "Нега аёллар молия вазири ёки ташқи ишлар вазири бўлолмайди?" каби бир қатор мурожаатлар билан чиқади.

Тетчернинг бундай мурожаатлари ўз даврида нафақат Англия, балки дунё аёллари қалбини ларзага солган бўлса, ажаб эмас. Орадан тўққиз ой ўтар-ўтмас Маргарет ва Денис Тетчерларнинг оиласида эгизак фарзанд дунёга келади. Ота-она яхши орзу-ният билан ўғлига Маркс, қизига Керол деб исм қўйишади. Қизиқ томони шундаки, битта қориндан тушган акасингил эгизакларнинг табиати, дунёқараши умуман бошқа-бошқа эди. Гап шундаки, Марк ёшлигидан ўжар, бойликка ўч эди. Керол эса унинг батамом тескари, босиқ (онасига ўхшаган эди), узоқни ўйлаб иш кўрадиган қиз эди. Устига-устак Керолнинг бахти ҳам очилмайди. Шу боис у бутун умр ёлғиз ўтишга қарор қилади.

Энди Маргарет Тетчернинг кейинги сиёсий фаолияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, у 1979 йилда Англия тарихида биринчи Бош вазир лавозимига сайланади. Тетчер Бош вазир сифатида мамлакатда ишлаб чиқаришга катта имкониятлар яратиб берди. Энг муҳими, у жамият ҳаётида давлат назоратини йўқотишга эришди. Тетчернинг ҳаёт йўлидан ўрнак олса арзийдиган фазилатларидан яна бири шуки, у ўта тежамкор, ҳар бир масалага иқтисод нуқтаи назаридан қарайдиган аёл сифатида тарихда ном қолдирган. Шу боис у ўзининг қатор мурожаатларида "Тежамкорлик ва яна тежамкорлик давлат учун ҳам ўзимиз учун ҳам жуда муҳимдир," дея таъкидларди. Ким билади, эҳтимол, бугунги кунда Англиянинг иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатга айланишида Тетчер хоним томонидан айтилган даъватнинг ҳам маълум маънода ўрни бордир. Муҳим жиҳати шундаки, бугун Маргарет Тетчер деганда дунё халқлари кўз ўнгида таълим вазири, партия раҳбари, Парламент аъзоси лавозимларида фаолият олиб борган "Темир хотин" гавдаланади.

Энг асосийси, мамлакат тарихида "Тетчер эраси" деган иборанинг пайдо бўлиши унинг фаолиятига берилган юксак баҳодир. 1979 йилги парламент сайловларида консерваторлар 13,7 миллион, лейбористлар эса 11,5 миллион овоз олишга муваффақ бўлади. Буюк Британия ҳукумати тепасига тарихда биринчи марта аёл киши — консерваторларнинг янги йўлбошчиси Маргарет Тетчер келди. Маргарет Тетчер фаолияти давомида ўзини консерватив қарашларнинг содиқ тарафдори, қатъий ва букилмас феъл-атворли шахс сифатида кўрсатди. Инглизлар уни "Темир хоним" деб аташлари замирида ана шу мустаҳкам ирода мужассам. У ҳокимият тепасига келганда, ўзининг аниқ ҳаракат дастурига эга эди. Ва бу дастурни оғишмай амалга оширишга киришди. М. Тетчер нафақат Англия, балки бутун жаҳонда жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Унинг раҳбарлигида консерваторлар партияси 1983—87 йиллардаги сайловларда ғалаба қозонишди. "Темир хоним" эса ҳукуматни сурункасига ўн бир ярим йил бошқарди. Айрим кишилар у бошқарган даврни "Тетчер эраси" деб ҳам аташди. Маргарет Тетчер томонидан олға сурилган ва "Тетчеризм"-деб аталган асосий ғоялар қуйидагилардан иборат:

— Ҳар қандай иқтисодиётнинг барқарор ҳаракатини таъминлайдиган куч — бу хусусий тадбиркорликдир. Шунга кўра ҳокимият сиёсий йўлининг асоси: эркинлик, ҳамма учун тенг имконияти тадбиркорлик руҳини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкдорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш;

— Давлатнинг иқтисодий ҳаётга оралашуви минимум даражага тушиши лозим. У асло хусусий ташаббусларга тўсиқ қўймаслиги лозим;

— Барча меҳнатга қобилиятли кишилар ўзини-ўзи таъминлайди. Давлат ва хайрия ташкилотлари ишлаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган шахсларга ёрдам кўрсатади;

— Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қонуний асосда ҳимоя қилишга ҳақли, бунда бошқа одамларнинг манфаатларига зарар етказилмаслиги керак. Шунинг учун ҳам жамиятда зарар етказадиган иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқи чекланиши лозим.

Бундан ташқари, Маргарет Тетчер Буюк Британия кучли армия ва флотга эга бўлишини ёқлади. Ташқи сиёсатда эса АҚШ билан иттифоқчилик муносабатларини кучайтириш ва НАТО олдидаги мажбуриятларга содиқ бўлишга ҳаракат қилди.

Гап шундаки, ҳокимият тепасига консерваторлар ҳукумати келганда, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи жуда ёмон эди. Эски корхоналарнинг инқирозга учраши ишсизлар сонининг тез ўсишига олиб келди ва охир-оқибатда уларнинг сони 3,3 миллион нафарга етди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида Парламент "Ишчи ўринлари тўғрисида"ги қонун ҳам қабул қилади. Аммо мамлакатда миқёсида энг катта муаммо саналган ишсизлик масаласини ижобий ҳал этишга таъсир кўрсата олмади. Ўша пайтда мамлакатда пулнинг қадрланиши саноат ривожининг пасайишига олиб келди. Маргарет Тетчер илгари сурган "Тежамкор йўл" ишсизларга бериладиган нафақани кисқартириш, шунингдек, бошқа ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ҳисобига иқтисодий юксалиш юз бера бошлади.

Маргарет Тетчер фаолият юритган даврда мамлакатдаги корхоналарнинг учдан икки қисми давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Шунингдек, бир неча миллиондан зиёд давлат мулки саналган уйлар ҳам сотилди. Бу катта ислоҳотлар натижасида мамлакат аҳолисининг 60-фоизидан ортиғи шахсий уй-жойларга эга бўлди. Буларнинг барчаси хусусий мулк эгалари сонининг ошиши ва консерваторлар партияси мавқеининг янада мустаҳкамланишига олиб келди.

Хусан ТУРСУНОВ

ЭЪЛОН

Сурхондарё вилоят Адлия бошқармаси томонидан Денов туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маърупова Зулхумор Абдусаломовна номига 1997 йил 30 майда берилган SU 000011 рақамли махсус рухсатнома — лицензия бекор қилинди.

Biz bilgan va bilmagan tarix

СУРАТ ТИЛГА КИРГАНДА

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Уни Акмал Икромов ва Абдулҳай Тожиев билан биргаликда ВКП (б) Марказий Комитети Туркистонда миллий кадрлардан фойдаланиш масаласида нотўғри сиёсат олиб бораётганидан норози бўлиб Сталинга мактуб йўллашда айблайдилар. Уни яна аксилинқилобий ташвиқот олиб боришда айбланади. Бутун республикада иноғомовчилик ҳаракатини қаттиқ қоралашга доир сиёсий тарғибот иши олиб борилади ва у 1938 йилнинг 5 октябрида қатл этилади.

Раҳим Иноғомов билан ёнма-ён суратга тушган киши Давлат Ризаев эди. У 1937 йил августида ҳибсга олинган.

Давлат Ризаев ёнида ўтирган нурли сиймо халқимизнинг суюкли адиби, тилшунос, адабиётшунос, адабиёт тарихи борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борган профессор Абдурауф Фитрат эди.

Бу закий аллома ҳам шўролар ҳокимияти даврида олиб борилган қатли ом қурбони бўлган. Ўзбек халқининг бу азиз фарзанди қисмати ҳам сафдошлари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир қисматининг такрори бўлган ва у отишга ҳукм қилинган. Ҳукм ижро этилган.

Биринчи қатор охирида ўтирган барваста киши — Абдувоҳид Бурхон ҳақида ҳанузгача маълумот топилмади. Ушбу мақолани ўқиган газетхонлардан бирортаси таниб қолса, таҳририятга хабар берса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Тик турганлардан чапдан биринчиси падари бузрукворим Саид Аҳрорий. Отам 1930 йил ноябрида ишга кетганларича бедарак йўқолганлар. У кезлари отам Самарқанд молия иқтисод техникумида дарс берганлар.

Бешинчи синфда ўқиётган чоғимда рус тили ва адабиёти ўқитувчимиз Елизавета Захарова билан бирга отам изини ахтариб ҳужжатхоҳма ҳужжатгоҳ санқиганмиз, аммо тополмаганмиз. Фақатгина мустақиллик шарофати билан мен отамнинг фожиали тақдиридан — 1931 йил 31 июн куни РСФСР жиноят мажмуасининг 54-моддаси 4-бандига кўра отувга ҳукм этилиб, Москва шаҳрида қатл этилганидан дарак топдим...

Ҳурриятимиз шарофати билан ҳужжатгоҳларнинг тамбаланган эшиклари биз қаламкашларга очилиб, мен отам ҳақида ҳеч қачон билмаган маълумотларга эга бўлдим. Яна унинг 1918 йилдан то 1930 йилга қадар республика газета ва журналларида босилган шеър ва мақолаларни тўплаб, танланган асар ҳолида чоп эттириш ҳам насиб этди...

Отам ёнида суратга тушган буюк маърифатпарвар ҳамюртимиз Абдулла Авлонийни мамлакатимизда етти ёшдан етмиш ёшгача билади. У 1878 йилда Тошкентда туғилган. Журналист, таржимон, жамоат арбоби бўлган бу сиймо бизгача етиб келган маълумотларга кўра, 1906-1907 йилларда "Тараққий" ва "Шуҳрат" газеталарини чоп этган. Бу газеталар чор ҳокимияти тарафидан ёпиб қўйилгандан сўнг 1908 йилларга келиб "Осиё" газетасини чоп эта бошлаган. Юксак иқтидор эгаси саналган Авлоний "Туркистон" театр труппасини ташкил этган ва кейинчалик "Турон" ва "Иштирокиюн" газеталарининг ташкилотчиларидан бўлган, газетага муҳаррирлик ҳам қилган. Абдулла Авлоний 1934 йил августида ҳаётдан кўз юмган. Агар 1937 йилларда ҳаёт бўлганида замондошлари бошига тушган мусибат уни ҳам четлаб ўтмаслигини кўплаб тадқиқотчилар таъкидлашмоқда.

Абдулла Авлоний билан ёнма-ён турган миқтидан келган одам моҳир таржимон, ношир, драматург ва тадбиркор Ғози Юнус 1937 йилнинг 6 августи куни ҳибсга олишган. Уни аксилинқилобий уюшмага аъзо бўлганликда, миллатчиликда айбланган ва ўн йилга бадарға қилганлар. Унинг хотини Тожихон Аҳмедовани ҳам ҳибсга олганлар. 67 яшар бемор қайнонаси Солия Аҳмаджонова қариялар уйига, ўн тўрт яшар қизи Туйғуной Ғозиева эса Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги етимхонага жўнатилган. Ғози Юнус 1942 йилда Вологда шаҳридаги қамоқхонада оғир хасталикдан вафот этган.

Ғози Юнус ёнида турган, 1883 йилда Тошкентда туғилган Зуфар Носирий Бешёғоч даҳаси умргузаронлик қилган. Уни деб топиб, жиноят мажмуасининг 58,67 моддалари билан саккиз йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Зуфар Носирий ёнидаги Маҳмуд Субай ҳақида маълумот топилганича йўқ. Аммо сурат тагидаги ёзувдан хулоса чиқариладиган бўлса, бу сиймо ҳам ўша давр халқ маорифи фаолларидан бўлган деб фикр қилиш мумкин.

Тик турганлар қаторида ўнгдан иккинчи оқ либосдаги киши Вадуд Маҳмуд Самарқанд шаҳрида янги усулдаги мактабни тугаллагач, Шаҳрисабздаги мактабда дарс берган. 1917 йилда Уфадаги Олия" мадрасасида таҳсил кўрган. Ўша даврда иш юритган "Нашри маориф" ва "Кўмак" жамиятларида фаол иш олиб борган. У 1937 йил августида ҳибсга олинган ва учлик қарори билан уч йилга сургун қилинган. У ердан қайтиб келгач, кўп ўтмай "халқ душмани" тамғаси остида яна ўн йил қамоқ жазосига ҳукм этилади.

Иккинчи қатордагиларнинг ўнгдан учинчиси шоир Элбек (Машраб Юнусов) 1898 йилда Бўстонликда деҳқон оиласида туғилган. Уни 1937 йилнинг 7 августида ҳибсга олиб, аксилинқилобий ташкилотга аъзоликда ҳамда шу ташкилот топшириғига кўра иш юритишда айбладилар. Шоир бу айбларни қаттиқ туриб инкор этишига қарамай СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси 1938 йилнинг 5 октябрига уни жиноят мажмуасининг 63,14,64 ва 67 моддалари бўйича 12 йил қамоқ жазосига ва 5 йил ҳуқуқдан маҳрум этишга ҳукм этган. Шоир Элбек жазони ўташ учун Верхо Уральск қамоқхонасига жўнатилган. Тинтув вақтида уйидан олиб кетилган ҳужжатлар, китоблар, блокнотлар ва қўлёзмалар тергова аҳамияти йўқлиги кўрсатилиб акт қилинган ва йўқотилган.

Суратдаги иккинчи қаторда ўнгдан биринчи турган киши 1900 йилда Тошкентда туғилган тилшунослик институти илмий ходими Қаюм Рамазон. Бу ватандошимиз миллатчиликда, илмий ходимлар орасида аксилинқилобий қарашларни тарғиб қилганликда, Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиб, буржуа мустақил республикаси барпо этишга уринишда айбланади. У жиноят мажмуасининг 66 моддаси 1 қисми ва 67-моддаси билан жавобгарликка тортилган. Аммо орадан уч ой ўтиб, Қаюм Рамазон жиноят мажмуасининг 63,64,65 ва 58-моддалари билан айбдор деб топилиб, 1938 йилнинг 4 октябр куни Тошкент шаҳрида отиб ўлдирилади.

Ушбу сурат илк кўлимга теккан кезларда унга тикилганча шоирнинг: "Суврат, суврат, нега сен тилсиз?" деган сатрларини яккаш такрорлардим. Ҳамма гап саъй-ҳаракатда экан, бир неча йиллик уринишларим зое кетмади — сурат тилга кирди ва мустабид тузум даврида қурбони бўлган ватандошларимиз фожиали қисматини аён этди...

Холида АҲРОРОВА,
Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси аъзоси



Сеҳргар қиш

Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ

Mushohada

ДИЁНАТ

Автобусда кетаётган эдик. Орқа ўриндиқда ўтирган икки мўйсафид кишининг суҳбати беихтиёр қулоғимга чалинди.

— Ҳозир баъзи бир кимсаларда инсоф, иймон-эътиқод деган нарсадан ном-нишон қолмади, оғайни, — деди улардан бири. — Ўғлим қишлоғимиздаги хусусий корхонада ишлайди. Шу корхонага ишга кирганлар нега бунчалик тез бўшаб кетади, деб ўйлардим. Энди англаб етсам, унга раҳбарлик қилаётган киши диёнатсизроқ одам экан. Буни қаранг, корхонада узлуксиз қурилиш материаллари тайёрлаб сотиладию, лекин ишчилар маошга ёлчимайди.

— Унчалик эмасдир, — деди унга жавобан ҳамроҳи. — Ҳаётда яхши, оқибатли одамлар кўп. Ўғлингиз ишлаётган хусусий корхонада, балки ишчилар кўп бўлса, маош озроқ тегаётгандир. Ишга қабул қилишаётганда, маошни камроқ белгилашгандир.

— Қайга дейсиз, корхона ўзига тўқ. Ёнида савдо дўкони ҳам бор, — дея норози оҳангда гапини давом эттирди отахон. — Дўконда корхона раҳбарининг хотини савдо қилади. Ойлик маош ёзилган тўлов варақаларига ишчиларга имзо чектириб, пул ўрнига гуруч, шакар, кир совун, яна алланималарни қимматдан-қиммат қилиб тиқиштиради. Шуям инсофданми?! Ахир, бу ишчиларнинг ҳаққига кўз олайтириш эмасми?

— Жуда ошириб юбормаяпсизми, биродар? — деди унинг ҳамсуҳбати. — Эҳтимол, қурилиш материалларини савдо молларига алмашлаб олишаётгандир.

— Қайга дейсиз, рўзғорга зарур-зарурмас молларни ойлик ўрнига қимматига дўкондан бериб, фойда қилиш учун эр-хотин бозордан келтиришларини ишчилар кўриб тураркан. Бундай диёнатсизлик хунук оқибатга олиб келишини улар ўйлаб кўришмайди ҳам. Ана, тунов куни ўша корхона эгаси "Нексия"сида келатуриб автоҳалокатга йўлиқибди. Яп-янги машинанинг эбжағи чиққан. Бировнинг ҳақи буюрмайди, тешиб чиқади...

Бу икки қариянинг суҳбати кишини ўйга толдиради. Яширибмас, ҳаётда ана шундай беш бармоғини оғзига солган, ўзганинг ҳаққидан қўрқмайдиган кимсалар ҳам учрайди. Бундай нафс измига тушган кимсалар бора-бора ҳаромдан ҳам ҳазар қилмай қўяди. Бировнинг ҳаққини юлқиб бўлса-да, олсам дейди.

Аммо уларнинг ана шундай нопок йўл билан топгани ўзига буюрадими?

Йўқ.

Чунки ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари бор.

Энг муҳими, бу дунёда ҳеч ким ёмонлик билан яхши ном қолдирмаган.

Бундай пайтда киши яхшилик, унинг қадр-қиммати нечоғлик баланд эканлигини юрак-юрақдан ҳис этаркан.

Буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорийнинг табаррук хоки ётган Ҳартанг қишлоғи яқинида Маъмур ота Мухторов истиқомат қилади. Отахон фарзандлари билан "Чорвадор" фермер хўжалиги ташкил этган. Бир гал Челакка йўлим тушганда, туманнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири ҳамқишлоғи қийналиб қолганда, Маъмур бобо қандай ёрдам қўлини чўзганини ғурурланиб гапириб бергани сира ёдимдан кўтарилмайди.

Гап шундаки, бир серфарзанд одамнинг хотини оғир бетоб бўлиб, касалхонага тушади. Жўжабирдай жон, хотинини катта шаҳарга элтиб, даволатиш учун анча-мунча харажат керак... Ҳалиги кишининг боши қотибди. Ўйда мол дегани қолмайди. Унинг ахволидан хабар топган Маъмур бува бояги қишлоқдошини чақиртириб қўлига болалик сигирнинг арқонини тутқазади. "Фақат битта шартим бор, — дейди Маъмур бобо, - Пулга зориқиб қолганда ҳам, сотиб юбормайсиз. Фақат кўпайтиринглар".

Энди бояги одамнинг қанчалик суюнганини тасаввур эта оласизми?!

Бу — ўз номи билан яхшилик.

Бундан ташқари, Маъмур бобо фермер хўжалиги икки километр қувур тортиб, ўзлари яшайдиган Қозоқхўжа қишлоғига табиий газ келтирган. Қишлоқда ўз маблағи ҳисобидан 170 ўринли мактаб биноси қуриб берган. Пишиқ ғиштдан нақшинкор услубда маҳалла биносини барпо этган. Бинони қуриш, ичини жиҳозлаш, атрофини ободонлаштиришнинг ўзига фермер хўжалиги икки миллион сўм сарфлаган.

Бу икки ҳаётий мисолни келтиришдан мақсад диёнат ҳақида мушоҳада юритиш, холос.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Nadomat

ЭГРИ ЙЎЛ УЗОҚҚА ЭЛТМАЙДИ

Ўсмир жиноятга қўл урди... У ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмаган эди. Ёшлиги инобатга олиниб, унга икки йиллик синов муддати белгиланди. Мана шу муддат ичида у ўзига тегишли хулосалар чиқариб олиб, тенгқурлари даврасида ҳаёт завқини суриб юравериш мумкин эди. Бироқ бундай бўлмади.

Суд хукми эълон қилинганига етти ой ҳам тўлмаган эди. Тўрткўллик Вафо яқин қариндош бўлмиш Худойберди билан дағал хашак ўришаётган эди. Улардан сал наридаги қишлоқдошларининг ўйида ҳеч ким йўқлигини кўрган Вафонинг бирдан нияти бузилди. Атроф-қўйни обдон кузатгач, Вафо йўғон темир буюм билан эшик қулфини уриб синдирди ва бир зумда ичкаридан қимматбаҳо магнитофонни бор ашқол-дашқолига қўшиб олиб чикди. Сўнг икки қариндош "ўлжа"ни яқин ўртадаги тўронғилзор орасига яшириб қўйишди. Орадан ўн кун ўтгач, қариндошлар тўронғилзордаги "ўлжа"ни олиб Тўрткўл бозорига йўл олишди. Бозорда улар "ўлжа"ни арзон-гароврга пуллаб юборишди. Аммо улар уни ҳазм қилишолмади. Ўғирликлари фош бўлиб, одил суд курсисига ўтиришга мажбур бўлишди. Шу тарика эгри йўлни танлаган навқирон ёшдаги йигитлар ўз келажакларига болта уришди. Бу эса муаммони икки баравар катталаштиради. Зеро, ҳар бир ножўя ҳаракатнинг олдини олиш жиноятчиликка қарши курашнинг энг яхши усулидир. Шу маънода Вафо эгри йўлнинг узоққа элтмаслигини англаб етмагани уни қайта жиноятчиликка бошлади, десак хато эмас. Демак, бундан қандай сабоқ чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: